

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

«ОНАДАЙ ОШИҚ ЙЎҚ ОНА-ВАТАНГА»

Биз табарруқ бир хонадон билан девор-дармиён кўшнимиз. Бу ҳовлида элимизнинг энг сеvimли, ардоқли шоирларидан бири Миртемирнинг оиласи, кўз қароқлари истикомат қилишади. Хонадоннинг бугунги кундаги азиз бекаси Тўрапошша ая 80 ёшга тўлдилар. Онахон билан ёшлик даврлари, Миртемир шоир билан биргаликда кечган ҳаётлари ҳақида суҳбатлашиб ўтирибмиз.

- Ая, ёшлик даврларингизда кўрган кечирганларингизни айтиб беринг.

- Эҳ, нимасини айтиш... Туркистон шахрининг Иқон қишлоғида туғилиб, катта бўлганман. Отамни домла, деб Қирғизистонга сургун қилишган, онам касал бўлиб ётиб қолганлар. Уйдаги ҳамма юмушлар менинг елкамга тушган. Миртемир домла менинг тоғамнинг ўғиллари. Тошкентда ўқишда эдилар, уларни ноҳақ ҳамма қўйишган. Келиноним Моҳирўй ўғилларига қўйиб, касал бўлиб ётиб қолганлар ва вафот этганлар. Кейин отам ҳам сургундан қайтиб келдилар. Мен ҳам тўйдан кейин Тошкентга кўчиб келдим. 2-3 йил ижарада яшадик, сўнг шу ерни сотиб олдик. Миртемир ус-тоз билан 45 йил бирга аҳил яшадик. 7 та фарзанд кўрдим, икkitаси ёшлигида нобуд бўлди, бештаси ҳозир ҳаёт. Ҳаммаси олий маълумотли, эл хизматиди.

- Миртемир устоз ҳақида биз ёшларга гапириб берсангиз.

- Умр йўлдошим фарзандларига жуда қаттиққўл эдилар, лекин ҳеч қачон болаларга бақириб, қўл кўтармаганлар. Аммо фарзандларимнинг биронтаси касал бўлиб қолса, атрофида парвона бўлиб, ижодни ҳам йиғштириб қўядилар. То тузалиб кетмагунигача, тинчимасдилар. Болаларимни кўчада, уйда, мактабда нима билан машғул эканини доим назорат қилиб турардилар. Камтар, камсукум эдилар, обрў, мансаб талашмасдилар, ҳаммага бирдек муомала қилардилар, қўлларидан келган ёрдани ҳеч кимдан аямасди-



лар. Жудаям меҳмондўст эдилар, кечаю-кундуз уйимиздан меҳмон аримасди. Айниқса, узоқ-яқиндан келган ёш шоирларга ҳам моддий, ҳам маънавий

ёрдам берардилар. Ярим кечагача чирроқлари ўчмас, асосан кечаси, ёки азонда ижод қилардилар. Ҳамма қатори ўрта яшадик, бойликка, манманлик-

ка берилмадик. Юринг, қизим сизга тарихий сатрларни кўрсатаман.

Ая ҳассага суяниб, ҳовли этагига қурилган кенг, ёруғ айвон-шоирнинг ижодхонаси томон йўл бошладилар. Шоир бу уйни 1975 йил қуриб битказган эди. Эсимда қурилиш анжомларини олиб келиб, усталарга бош-қош бўлганлари. Келинлари Ҳурриятхон ҳар ҳафта ижодхонани шамоллатиб, чанларини артиб, тозалаб чиқадилар. Жавонларда шоир севган китоблар, жаҳон классикларининг танланган асарлари, Навоий асарлари қатор териб қўйилган. Рассом Абдулҳақ Абдуллаев чизган шоир сурати. Йирик маънодор кўзлар сизга синовчан боқди.

Мен жавондан шоирнинг шеърлар тўпламини олиб варақлайман. Нигоҳим ила "Сен-она" шеърини ўқий бошладим.

Оғушда Бобир камолга етган

Сен- она.

Таробийни оғир жангга жўнатган

Сен - она.

Оламни нурида мунаввар этган

Сен - она.

Йилгаса, дунёни роса титратган

Сен - она.

Кулгум саодат парварини этган

Сен - она.

Доҳийлар бешиқин бедор тебратган

Сен - она.

Меҳри баҳориди элим яшнатган

Сен - она.

Ягона ўзлингилни жўнатдинг жангга

Бўл бардам, Она!

Онадай ошиқ йўқ она-Ватанга.

Муҳтарам она!

1941 йилда ёзилган бу шеър ҳозирги даврда ҳам ўз тароватини йўқотмаган қўринадди менинг назаримда. Табарруқ хонадонни тарқ атарканман, Тўрапошша аяга узоқ-умр, сихат-саломатлик тилаб хайрлашдим. Ахир, ўз онам вафот этганларидан буён ая менга онамдек азиз бўлиб қолганлар.

Шаҳзода бегим
Ўзбек қизи

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

ЎЗБЕКИСТОН: ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР КЎЗГУСИДА

● Республикамиз ҳукумати томонидан Андижон вилоятининг Ҳўжаобод туманида ер ости газ омбори қуриш ҳақида қарор қабул қилинганди. Бу иш қисқа муддатларда амалга оширилди. Мазкур иншоот хорижий фирма ва компаниялар, молиявий ташкилотлар билан ҳамкорликда бунёд этилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов иштирок этди.

● "Халқимизда: Меҳнат-машаққат билан тикланган иморат юз йил туради", - деган гап бор. Имомни қомилки, ўз муҳандис ва қурувчиларимизнинг меҳнати билан барпо этилган бу иншоот Ўзбекистонимизнинг равнақи, халқимизнинг ёруғ келажаги йўлида хизмат қиладиган, - деди Президент.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 30 июнь куни Оксарой қароргоҳида Халқаро Тикланиш ва тараққиёт банкнинг катта вице-президенти ҳамда бош иқтисодчиси Жо-

зеф Стиглиц раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Халқаро Тикланиш ва тараққиёт банки ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш билан боғлиқ, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

● Шу куни Президент И.Каримов Андижон туманидаги касб-хунар коллежи қурилиши билан ҳам танишди. Бу ўқув даргоҳи вилоят саноат корхоналари учун ўрта бўғин мутахассисларини тайёрлайди.

● Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан бир ҳафта давомида пойтахт кинотеатрларида "Отандан қолган далалар", "Марғиёна", "Севги", "Кичик табиб", "Тилсимой фаройиб қиз", "Воиз" бадиий фильмлари намойиш қилинди. Ана шу фильмларда ўзбек аёллари образини яратган бир гуруҳ саныаторларга муҳофотлар топширилди.

● Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар кўмитаси, "Камолот" ёшлар жамғармаси Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорлигида Тошкентда "Сиёсий етакчилик мактаби" мавзусида беш кунлик се-

минар бўлиб ўтди. Ўзбекистон Бош вазир ўринбосари, Республика хотин-қизлар кўмитаси раиси Д.Ғуломова семинарни очаркан шундай деди:

"Мамлакатимиз Президенти жорий йилни Аёллар йили деб эълон қилди, шу муносабат билан оилада, давлат ва жамият қурилишида хотин-қизларнинг мавқеини кучайтиришга доир давлат Дастури ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда."

Шу боис Республикамизда ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларига хотин-қизларнинг фаол жалб этиш, хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини мукамаллаштириш, оилани, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш, мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларда хотин-қизларнинг фаол иштирокини таъминлаш масалаларига катта эътибор берилмоқда.

● Мукаррама Турғунбоева номидаги "Ўзбекракс" миллий рақс бирлашмасининг ижодий гуруҳи Нидерландиянинг Енштед ҳамда Варфум шаҳарларида бўлиб ўтган 34-халқаро фольклор фестивалида миллий халқ кўшиқ ва рақсларидан ташкил топган концерт дастурлари билан иштирок этди.

● Наманганда аёллар футбол буйича Марказий Осиё давлатлари чемпионатининг иккинчи тур беллашувлари давом этаётти. Унда Ўзбекистоннинг икки, Қозоғистоннинг уч жамоаси футболчилари ажойиб ўйинлар кўрсатишмоқда.

● Бухорода Аёллар йилига бағишлаб жамият тараққиётида хотин-қизларнинг мавқеини янада ошириш масалаларига бағишланган минтақавий семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

Семинарда Ўзбекистон Бош вазир ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Д.Ғуломова маъруза қилди.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов мустақил Ватанимиз тарихида биринчи бўлиб бакалаврлик дипломига сазовор бўлган ешларга табрик йўллади. Табриномада жумладан шундай дейилади:

"Олим бўлиш осон, лекин одам бўлиш қийин. Аввало ота-боболаримиздан қолган маънавий қадриятларимиз ва урф-одатларимизга содиқ бўлиш, Ватанимизни ҳар қандай ёвуз кучлардан, ҳавф-хатардан, бало-қазолардан асраш, халқимизнинг тинч ва осуда ҳаётини ҳимоялаш барчамизнинг инсоний бурчимиздир."

ХУШЁРЛИК - ТАРБИЯНИНГ АСОСИ

Хаёт жуфтликлардан иборат: оқ-қора, яхши-ёмон, қувонч-кайғу. Шу жуфтликларнинг барчаси бир-бирини инкор этиб, бир-бирини тўлдирди. Дейлик, яхшилар кўпайса ёмонга ўрин қолмайди, айни вақтда ёмонга нисбатан яхшини баҳолай биламиз. Қувончлар, воқеалар ортган сари қўйғу чекинади, ғам тавмини билан қувончимизга шукрона қиламиз.

Турмушнинг асосий фалсафаси шундан иборатки хаётда текис йўл бўлмайди. Тогга айланма йўл билан чиқар эканмиз, оёқ остига эҳтиёт бўлиб қадам ташламасак, жарга кулашимиз тайин. Худди шунингдек камолот чўққиларига кўтарилиб бораётган авлоднинг ҳар қадамини синчковлик билан кузатиб борилмаса, бу йўлда турли ўқир-чўқирлар орқали хиёнат ва жиноят жарига кулаши мумкин.

Кейинги пайтда содир бўлаётган воқеалар фикримизнинг тўғрилигига далил бўла олади. Саққиз йил ичида одамларнинг сиёсий фаолиги ортиб, тафаккур доиралари кенгайиб, билимдонлик сари анчайин юксалдилар. Демак, бу йиллар ичида нафақат моддий жиҳатдан, балки маънавий-маърифий, сиёсий жиҳатлардан ҳам анчайин самараларга эришдик. Эндиги ёшлар оғзинга қараб, индамай ўтирадиган ёшлар эмас. Шу сабаб бу ёшларни эргаштириб, қовуштириш осон кечмапти. Йўлимизда турли ҳаф, таҳдидлар кўзга ташлана бошлади. Хурматли Президентимиз Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбирининг саволларига берган жавобларида қайд этганларидек: **"Уйлайманки бугун юртимизда яшаётган ҳар бир онгли инсон мамлакатимизнинг олға босиши, тараққий топган давлатлар билан ҳамкорликда ривожланиши учун зарур шартларни англаш билан бирга шу қадамларимизга тўсик бўлиб турган сабаб ва кучларни, уларнинг бизга қарши очиб ва пинҳона қилаётган ҳаракатларини ўзига тасаввур қила олиш мумкин"**. Дарҳақиқат саққиз йил ичида юртимизда яшаётган ҳар бир инсон ва оила тақдирини дахил қилган ҳолда, халқимиз не-не қийинчилик ва тўсикларга дуч келар экан, ичида дундан бири сизлар тарбияси-ўтмоқчисан.



Чунки за-лайдиган, Ва-ханда тарбия олаётган юз минглаб ёш-ларимиз билан бир қаторда ҳали шу даражага етмаган қанчадан-қанча фарзанд-ларимиз бор. Демак, ҳозирги энг муҳим, энг долзарб вазифа-миз вояга етиб келаётган ёш авлодни ўзигини англаш, миллий ва умумбашари қадриятлар руҳида тарбиялашдан иборатдир. Президентимиз Хушёрликка давлатларида қуюнчаллик билан тарбия ишимиздаги қуйидаги камчиликларни қайд этдилар:

"Бизнинг тарбия-ташвиқот ишларимиз кўпинча тор доираларда қилиб кетаяпти, ҳаётнинг кенг қатламларига кириб бормаяпти, тажрибасиз, гўл, билими, дунёқарши чекланган айрим ёшларнинг онгига етиб бормаяпти. Натижада улар бизга ёт бўлган ташқи таъсирларга, бузғунчи гояларга кўр-кўрона берилиб, ҳатто ўз ота-онасига, халқи ва Ватанига қўл кўтарувчи ёвуз қотилларга айланмоқда".

Биз тарбиялаётган ёшлар ўз кучи, иқтидорига суянадиган, очки қорадан, яхшини ёмондан ажрата биладиган, ҳаётнинг банд-пастидан адашмай йўлини топа биладиган баркамол авлод даражасига кўтарилмоғлари лозим. Бу мақсадга эришиш йўлида икки ҳаф, икки таҳдиддан оғох бўлмоғимиз керак: биринчиси-мамлакатимиз ташқирисидидаги тажовузкор кўчлар бўлса, иккинчиси-турли баҳоналар билан Ўзбекистонга ўз сиёсатини, таъсирини ўтказиш ва ҳукмронлик қилишга инти-лаётган кўчлар. Бу кўчлар асосий таянчи ёшлар тарбиясини издан чиқаришда деб билимқандар ва бу йўлда турли восита-лардан фойдаланмоқдалар. Чунки орзу-умидлар билан яша-ётган, тафаккури, дунёқарши шаклланаётган ҳар қайси ин-сон ёшлик чоғидан ҳаётнинг мазмуни ҳақида ўйлаб, жамиятда ўз ўрнини топишга уринади ва шунга қараб режа тузади, ин-тилади. Мана шу ёшликда эга бўлган гоя ва маслакнинг тўғри ва инсонийлигига қараб умр деб аталмиш қисмат белгилана-ди. Биз бугунги кунда халқни бирлаштирувчи, юксак мақсад-лар сари қорловчи мафкура-миллий гоямизга эгамиз.. Энди ушбу миллий гоямиздан келиб чиқиб таълим-тарбия ишлар-нинг бугунги чегараларини, келажак уфқини белгилаб, аниқ-лаб олишимиз керак. Таълим-тарбия ишидаги ушбу вазифа-лар ҳам Президентимизнинг хушёрликка давлатларида аниқ ва лўнда кўрсатиб берилган. Қисқа қилиб айтганда таълим-тарбия ишимизнинг моҳияти ўғил-қизларимизни ўзигини англашга, мустақил онгли фикрлашга ўргатиш, уларнинг та-факкурида бўшлиқ вужудга келишига йўл қўймаслик лозим. Биз катталарнинг энг асосий вазифаси ёшлар тафаккуридаги бўшлиқни тўлдиршга уринаётган ҳар қандай таъсир, тажа-вуддан оғох бўлиб, хушёр турмоқ.

Инсонга Аллоҳ томонидан берилган улуг нўматлардан бири-фикрлаш қобилияти. Фикрлашдан тўхтаган, фикрлашни иста-маган ёки хато фикрларга ётдошган одам аввалига маъна-пасаеяди, сўнгра жамиятга, ўзига зарар келтирадиган харакат-ларнинг ижросига айланади. Аввалига майда жиноятларга қўл уради. Сўнгра янада тубанлашиб хиёнатнинг берк кўчасига кириб қолади. Оиласига хиёнат қилади. Юртига хиёнат қила-ди. Миллатига хиёнат қилади. Энди у кеңирлишига лойиқ эмас. Энди унинг ёнида тарбиячига ҳожаат йўқ. Энди уни жазо ку-тади. Мана шу жиноят ва жазо оралиғида, уни хиёнатдан сақлаб қолувчи улкан куч-тарбия мавжуд. Агар жиноятчига жазо деб аталмиш маррага етмасдан олдин, анча олдин хушёрлик билан тарбия қумаклашса у инсон пасайишдан, тубанлашишдан тўхтайдди, балки юксалишига ҳам ўтади. Тарбиянинг хушёрлиги шундан иборат, биз фарзандларимизнинг бирор мақсадни қўзалаётганларида мақсадларининг моҳияти ҳақида, бу йўлда-ги ҳамроҳ, ҳамфикрлари ҳақида ва маррага етакловчилар ҳақида оғох бўлмоғимиз, хушёр турмоғимиз лозим. Шундан-на Президентимиз белгилаб берган, олдимизда турган улуг мақсадлар сари оғишмай, йикилмай етиб боришимизга шақ-шубха йўқ. Биз қатор халқлардан моддий жиҳатдан орқароқда бўлсакда, маънавий-маърифий жиҳатдан улкан меросга эга-миз. Мана шу меросга муносиб бўлиб яшаш учун ёшлар тар-биясида хушёр турмоғимиз олдимиздаги энг долзарб вазифа ва энг улуг мақсаддир.

Хамдам ТҮЙЧИЕВ

ИНТИЛИШ, ИЗЛАНИШ, ТАШАББУС

Президентимизнинг Сурхондарё ва Қашка-дарё вилоятларига қилган сафари олиб бори-лаётган ишларимиздаги муайян ижобий нати-жалар одамларда эртанги кунга ишонч уйғо-таётганлигини яна бир бор намойиш этди. Сурхондарё вилоят ҳокимлигида бўлган йиғи-лишда давлатимиз раҳбари долзарб вазифа-ёшлар орасида ижтимоий-тарбиявий ишлар-ни кучайтириш кераклиги ҳақида ҳам алоҳида тўхталдилар: "Вилоятдаги ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий муаммоларни бартараф этиш, ис-лохотлар жараёнини жадаллаштириш учун барча даражалардаги раҳбарлар, айниқса ёшларда интилиш, изланиш ва ташаббус бўли-ши даркор", - дея Президентимиз тарбия со-ҳасида амалга оширишимиз лозим бўлган асо-сий омилларни кўрсатиб ўтдилар. Президен-тимиз ўртага ташлаган мазкур уч давят бир-бири билан узвий боғланиб, ягона халқани ташкил қилади. Халқнинг бошига ёшларнинг интилиши қўйилган. Дарҳақиқат интилиш бўлмаган жойда тараққиёт ҳам бўлмайди. Чун-ки ҳаёт интилишлардан, эзгу мақсадлардан иборат. Тупроқни ёриб чиқаётган гиёҳнинг Қу-ёшга интилиши дилларни қувонтирмай ило-жи йўқ. Тогларга қўрқ бағишлаётган бургўт-нинг юксакликка томон парвози кишида ҳай-рат уйғотади. Топлар орасида кўз очиб, дарё томон интилаётган булоқ эса юракни ҳаяжон-лантириб юборади. Худди гиёҳдек нозик қалб ёшлар она-Ватандан қуч олиб Қуёшга-порлоқ келажакка томон интилиши, бургўт мисол ютқ-лар самосида парвоз қилиши ва дарёга қўшил-ган булоқ каби миллий қадриятларимиздан умумбашар қадриятлар томон интилиши ёш-лар камолотининг омиллари бўлмай иложи йўқ. Айни вақтда интилиш ҳар кун, ҳар соат-да бўлиши керак, яъни интилишда давомий-лик асосий аҳамиятга эга. Агарки интилиш етарли бўлмаса гиёҳ қуриб қолади, бургўт юк-са қояларга етолмайди, булоқ эса қўлмака айланади, охир-оқибат қайнашдан тўхтайдди. Шундай экан ёшларни олдинга, юксакликка ин-тилишларини таъмин этиш учун улардаги из-ланишни рағбатлантириш керак. Ёшлардаги изланиш тарбия топиши учун уларни ўз вази-

фасини, маъсулятини тўғри баҳолай олишга ўргатмоқ зарур. Давлатимизнинг раҳбари Қашқадарё вилоятида бўлганларида Шўртан газ-кимё мажмуи қурилишининг бориши билан танишиб, қурилишда меҳнат қилаётган ёш-ларнинг ишлаш, яшаш, маданий-маиший дам олиш шароитлари билан қизиқдилар. "Илга-ри бундай иншоотларни қуришни орзу қилар эдик, энди эса улар рўёбга чиқмоқда. Сизлар-нинг очик чехрангизга қараб танлаган йўли-миз тўғри эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилиш мумкин", - деб Президентимиз ёшлар из-ланишининг самараларини мамуният билан қайд этдилар. Улардаги ташаббусдан қувон-дилар. Биз ташаббусни изланиш билан ёнма-ён қайд этдик, чунки бу икки омил ёнма-ён бўлгандагина, изланиш ташаббуси туташади ва тараққиётни белгиловчи ҳалқга айлана-ди. Президентимиз Қумқўрғон тумани ҳоким-лигида ёшлар билан суҳбат чоғида "Қамолот" жамғармаси туман бўлими фаолиятидаги рас-миятчилик ва лоқайдлик ҳум сураётганини та-нқид қилдилар. Бундан хулоса шуки, расмият-чилик ва лоқайдликнинг ҳар қандай қўриниши ташаббусни бўғади, интилишдан совутиб, из-ланишга тўсик бўлади.

Қашқадарё вилояти ҳокимлигида ўтказил-ган йиғилишда ҳам давлатимиз раҳбари ви-лоятда ижтимоий-иқтисодий ислохотларни чўқурлаштириш, қишлоқ ҳўжалиги, саноят, маънавий-маърифий соҳалардаги камчи-ликлар ҳақида тўхталиб, уларни бартараф этиш йўлларини алоҳида қайд қилиб ўтди-лар. Барча камчиликлардан қутулиш йўли-ёшлар фаолиятидаги интилишни кучайти-риш, улардаги изланиш ва ташаббусни янги босқичга кўтариш эканлиги қайта-қайта ўқти-рилди. "Шундай ёшлар миллий мафкурамиз-га, тарихий қадриятларимизга, истиқлол йўлига зид айрим оқимларнинг қора ниятла-рини тушуниш етати ва уларга қарши кура-ша олади", - дея Президентимиз вилоят ёш-ларининг ўз фикрига, дунёқаршига таяниб яшашининг муҳимлиги ҳақида ҳам алоҳида тўхталдилар.

Х. ТўХТАМУРОД

СПОРТ-ГЎЗАЛЛИҚДИР

ЮРТДОШИМИЗ ҒАЛАБАСИ

Англиядан хушхабар келди. Дунё теннис оламининг энг нуфузли Уимблдон турнири-да 18 ёшгача бўлган қизлар баҳсида юртдошимиз Ирода Тўлаганова ҳам иштирок этиб ғолибликни қўлга киритди. Ирода олти учрашувда катта устунлик билан рақибларни мағлуб этди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Ирода Тўлаганова номига табрик хати йўллади. Унда жумладан шундай дил сўзлари изҳор этилган:

"Дунёдаги қўлаб мамлакатларнинг кучли спортчилари орасида биринчи бўлиш, Ўзбе-кистон шаъни ва шон-шўратини улғулаш-инсондан чинакам жасорат ва иродани, фи-дойликни талаб этади.

Қизим Иродадон, ишончим қомилки, мамлакатимизда йилдан-йилга равнақ топаётган катта тенниснинг вакили сифатида жаҳон спорт майдонларида Ўзбекистон байроғини доимо билан кўтариб борасан..."

М.ИБРАГИМОВА

МАҲБУБ УЛ-ҚУЛУБ

Тилини тиёлган одам-оқил, тилга эрк берган одам-жохилдур. Одамзод тили билан ҳайвон-дан фарқи ва имтиёзlidir. Тил туфайли одам-нинг одамдан афзаллиги ҳам билинур. Тил-шун-чалар шарафли кўрол!

Агар бир кўнгилда тил найзасининг жароҳа-ти бордур-фақат ширин тил унга малҳам бўлғу-сидир... Ахир, мулоим сўз-вахшиларни ҳам улфатга айлантиради, сеҳрғар морбоз афсун ўқиб илонни инидан чиқаради.

Сўзининг бир-бирдан фарқи қўлдур, аммо ёлғондан ёмонроқ тури йўқдир.

У ердан бер гап ташувчилар-одамларнинг гуноҳини бўйнига ол-ғувчилардур. Чақимчилик - ҳатто чин гап бўлса ҳам-ёқимсиздир, ёлғон бўлса-нафратлидир, холос.

Кўнгил хазинасининг қулфи - тил, ул хазина-нинг қалити - сўз бил.

Ноҳуш хабарни-чин бўлса ҳам-дўстинга ет-казма: бировнинг айбини кўрсанг, юзига сол-ма. Қўявер, ўша чин хабарни душманлар етказ-


син ва айб можаросини ҳам душманлар қўлсин. Душман алдовига учма, маддоҳ мақтовига инонма, душманнинг мақсади-ғаразли ниятига етмоқдир, маддоҳнинг ниёти-сендан инъом ол-моқдир. Хар иккисининг-да илтифотини қабул қилмасанг, бирининг мақсади ижросидан тўхта-йди, иккисининг мақтови эса-ҳажга айланади.

Ақли одам ёлғон сўзламас, аммо барча рост гапларни айтавериш ҳам ақлдан эмас.

Ғолибо бировнинг ўзи гилай-но-ғирон у. Бироқ бунга у айбдор эмас-ку? Хуллас, бировларни ноҳақ хижолатга солмоқ - ўз но-донлигини ошкор қилмоқдир. Бу каби - кишиларнинг дилини ран-житадиган чин сўздан ўрни билан айтилган ёлғон афзалроқдир.

Оғизига келганини демоқ- нодоннинг иши, олдига келганини емоқ-ҳайвоннинг иши.

Филология фанлари номзоди
Сайёра ХОЛМИРЗАЕВА
тайёрлади.



КИМЛАРДИР БИЛМАЙДИГАН СИР

Дам олиш кунини бундоқ бир отамлашиб келиш мақсадида тенгкур дўстимникига йўл олдим. Дўстимнинг болаларию неваралари дала ҳовлида дам олаётганларидан хабарим бор эди. Телефонда бўлиб ўтган келишувга бизом бугун учрашимиз лозим эди.

Дарвоза ёнига бориб кўнгирак туғмасини босдим. Ҳовлида жиринглаш эшитилди, кўп ўтмай аллақайси хона ичарисидан: "Кираверинг", деган овоз кулоққа чалинди.

Дарвозанинг кичкина тавақаси очик экан. Дарвозахонадан ўтиб, ҳовли ичарисигача кириб бордим ҳамки, ҳеч ким кўринмасди. Тенгкуримни кутиб уёқ-бўёққа аylanглаб қараб турдим.

Бир маҳал ҳовли тўридаги бурчак хонанинг эшигини олдида тенгкур дўстим кўришни берди. Не кўз билан кўрайки, у кишининг бир қўлида пол артадиган тупроқранг латтаю иккинчи қўлида эски челақ бор эди.

Бемалол манаови хонага кириверинг, - деди дўстим саломалиқдан сўнг. - Мен бир-икки дақиқада бўшайман, кейин бемалол гаплашаверамиз.

Ердам керак бўлса қарашворай, - дедим мен ярим ҳазил-ярим чин оҳангда.

Кираверинг, кириверинг, қиладиган иш йўқ ўзи...

Дўстим айтган хонага кирдим, курсилардан бирига ўтирдим. Гапнинг очиги, мен бир нарсага ҳайрон эдим: дуппа-дурст олим, яна бунинг устига вазир даражасидаги вазифада ишлайдиган одамнинг пол артадиган латта ва эски челақ кўтариб юриши... тасаввуримга ҳеч сикмас эди. Яна бунинг устига оддийгина хонадан эмас, ваннахонадан чиқиб келди шекилли.

Тенгкур дўстим, ўзи айтганидай, бир-икки дақиқа давомида водопровод жўмраги атрофида уймаланди-да, ювилган латтаю эски челақни ўз жойига жойлаштириб, юз-кўлини совунлаб ювди-да, топ-тоза сочқика артиниб мен ўтирган хонага кириб келди.

Ҳол-аҳвол сўрашиш давомида газ плитаси устидаги идишга сув қуйиб чой дамлади, стол устига ул-бул нематлар келтирди... Сўхбатимиз асосида мен ҳалигина кўнглимдан кечирган мулоҳазаларимни дўстимга изхор этдим. Яъни шунчалик баобру, мартабали одам пол артадиган латта, эски

челақ кўтариб юрса?... Ахир пол ювишни оиладаги ёши кичиклар... ёки аёллар ҳам қилишса бўлади-ку!

Битта нарсани ҳисобга олинг, - дея гапни узоқдан бошлади тенгкур дўстим. - Эрталаб ҳовлидан кўчага чиқаётганимизда туфлингизни тозалаб-артиб-яриқратиб чиксангиз, кунин билан дилингиз равшан тортиб юрасиз. Сабабики, сизнинг тартибли-озода юришингизга энг аввало оёғингиздаги туфлингизга қараб баҳо берилади. Уйдаги ишларда ҳам шундан қиёс олиб фикр юритса бўлади. Шунга кўра мен эрталаб ўрнимдан турганимдан сўнг энг аввало ваннахона билан туалетни совунлаб ювиб чиқаман. Шундан кейин кўнглим равшан торган кайфиятда бошқа ишларимга киришаман. Бу билан мен, биринчидан, тозалikka риоя қилган бўлман, иккинчидан ўзимнинг бошқалардан ҳеч ҳам фарқ қилмайдиган оддий инсонлигимни, олим ёки вазир бўлиб онадан туғилмаганимни, хар қандай ҳолатда ҳам оддий инсонлигимни, Оллоҳнинг гуноҳкор бандаси эканлигимни унутмай юраман...

Мен ўзимча ўйлардим. Шундай оила бошлиқлари борки, эрталаб соқол-мўйлабини олади-да, ишлатган идишчалару совун сурткичларни ювиб қўйишни хотинига ёки болаларига қолдириб ишга жўнаворадилар. Уйдагилар аҳамият беришмаса халиги "идишчалар" кунин билан совун кўпиги қотган ҳолда ётаверади. Яна бошқа тоифа оила бошлиқлари эса, қирланган пайпоқларию ички кийимларини ҳам хотинларию болаларига ювдиришади...

"Кимлардир билмайдиган сир". Мен ушбу ёзувларимга шундай сарлаҳа қўйдим. Бунинг сабаби иккита. Биринчидан, тенгкур дўстимнинг исми-фамилиясини айтмадим. Бу нарсани сирлигина қолаверди, албатта. Иккинчидан, дўстимнинг ўша кун бажарган иши инсонийликнинг қайси фазилатига мансуб экан? Айримлар, камтарлик фазилатига мансуб, деса-лар, айримлар ўша одам тартиб-интизомни, озодалиқни хуш кўраб экан, дейдилар. Менинг фикри оқимимча эса, тенгкур дўстимнинг ўша машғулотда иккала яхши хислат бирикки кетганга ўхшайди.

Сизлар нима дейсизлар, азизлар?

Оқилжон ХУСАН

1999 йил - АЁЛЛАР ЙИЛИ

ЯХШИДАН ҲАМ, ЁМОНДАН ҲАМ САБОҚ ОЛАМАН

Термиздаги 6-мактаб-интернат муаллимаси Шохидахон Орипова билан сўхбат



- Шохидахон! Сизнингча бахт нима?

- Бахт ниҳоятда нисбий тушунча. Дейлик, мансаб дардига мубтақло бўлган одамга юмшоқ бир курси, бефарзандга авлоднинг давом эттиргувчи бир зурриёв, чанкаган одам учун эса бир ҳовуч сувга етишмоқ катта бахт.

Менимча, умр аталимиш узоқ йилнинг паст-баланд сўқмоқларида ўзинг севган, сени ҳам севиб-ардоқлайдиган, истаган пайтингда суянчиғинг, маслаҳаттўйинг бўла оладиган инсон билин йўлдош бўлиш, бор ақлий ва руҳий имкониятларингни ишга солиб, бажарган хар бир амалингдан олам-олам завқ олиб ишлаш оладиган касбнинг этагидан ушайли билиш-катта бахт. Мана шу икки нарсага эга бўлган кишилар учун ҳаёт бошқа кишиларга нисбатан юз карра энгил ва лаззатли кечеди.

- Фаҳми-оқимимча, Сиз - хар иккала бахтга ҳам эришган аёлсиз. Агар сир бўлмаса, касб таллаш пайтида нимага аҳамият берганлигингиз, илк муҳаббат кечинмаларингиз ҳақида газетхонларимизга сўзлаб берсангиз...

- Болалиқдан математикага меҳрим бўлақ эди. Тенг-тўшларим қулашмачўқ йўнаб завқланишса, мен мисол ёки масала ишлаб, ҳузур қилар эдим. Ҳозир ҳам "ўрганаман" деган бўлага математика ўргатиб, чарчамайман.

Ўқишнинг биринчи кунини синфхонамизга кириб келган бир боланинг кўзларини отамнинг кўзларига ўхшатдим.

Бундан қарийб ўттиз йил аввал отамга ўхшатганим, ақлли, меҳрибон синфдошим-бугун болаларимга меҳрибон ота, ўзимга эса ҳам устоз, ҳам дўст. Беш фарзандимиз бор. Тўнғич ўғлимиз Шохруҳбек Тошкентдаги Шарқшунослик институтида ўқияпти.

- Сиз аёл кишисиз. "Онанинг отанга берардоз кўрсатма" деган нақлга қандай қарайсиз?

- Нафақат эрига, балки боласига ҳам бепардоз кўринишига қаршиман аёлнинг. Нафақат турмуш ўртоғингиз, балки болаларингиз ҳам сизнинг ўзингизга қараб, чиройли бўлиб юришингиздан завқ олади. Аёл-ҳар қанча банд бўлмасин-ўзига қараш учун вақт топиши керак.

- Сиз миннатдор бўлган одамлар?...

- Мен ҳаммадан миннатдорман, яхшидан ҳам, ёмондан ҳам. Чунки барчасидан қандайдир сабоқ олдим. Аммо энг аввал волидаи муҳтарамдан, сўнг кайнонамдан миннатдорман. Қайнонам - кишлоқнинг қайвони аёли-худди онамдек меҳр билан ўзимни ҳам, кўнглимни ҳам авайлаб рўзгор тутти сирларини ўргатдилар.

- Энг катта орузингиз?

- Фарзандлар камолини кўриш. Сўнг хусусий мактаб очиш...

- Унда кимлар ўқийди ва ишлайди?

- Ватан учун, халқ учун борини фидо эта оладиган, чинакам иқтидор эгаси бўлганлар.

- Омаднингизни берсин. Самимий сўхбатингиз учун ташаккур.

Жамила ЭРГАШЕВА сўхбатдош бўлди.

ШУНДАЙЛАР БЎЛМАСА АГАР ҲАЁТДА

БАРДОШНИ ШУ АЁЛДАН ЎРГАНСА АРЗИЙДИ

Мен доимо ҳаётда сабр-бардош, ирода аёлларга хос фазилат бўлиб қолса дейман. Ирода аёллар, оналар қўлайси, ўринсиз ташвишлар ҳам қамайган бўларди. Афсуски, баъзан озгина қийинчиликларга бардош беролмай, арзимаган оилавий жанжалларни рўқач қилиб, фарзандларини чиркиратиб, етаклаб ота-онаникига кетаётган аёлларни кўриб газабланиб кетасан киши.

Мен баъзи бир бардошсиз аёллар билан сўхбатлашганимда доим сабр-бардошли бир аёлни тилга олишга одатланиб қолганман. Тўғри, сабр-бардошли тоши ўта оғир, уни ҳамма ҳам кўтаролмайди, лекин орамизда кўтарадиганлар ҳам йўқ эмас. Ўғилой опа аввало семимли эри Фуломжондан эрта жудо бўлди. Ҳамма-ҳамма уларнинг тотув оиласига ҳавас билан қарарди. Эри учун қуйди, ёнди, Ўғилой опани кўз ёшлари дарё бўлиб оқди. Опа қарасаси, кўз ёши билан рўзгор тебратиб бўлмайди. Ахир отасидан эрта ажралган фарзандларини едириб-ичириб, ота ўрнига ота, уйда она вазифасини бажарди. Фарзандларига отасизлигини билдирмай, ўқитмай ўстирди. Уларни ўқитди, тарбиялади. Қизларини турмушга узатди. Энди ярайман деган Ўғилой опани яна гама-ташвишлар босди. Қизи Дилором биринчи фарзандини туққач, ҳаётдан кўз юмди. Шафқатсиз ўлим онани гапгагиб қўйди. Ҳа, ўғил фарзанди йўқ дея армон қиларди у, аммо ўғил невару кўрганида семимли қиздан ажралди. Ғам уни белини буюди. Она юзюни кўрмай чақалоқ етим қолди. Чақалоқ оғир-кеч онасининг иссиқ кўрагини истаб тамшанар, чинқириб йиғса, азага келганларни юрак бағрини эзиб юборди. Кўнгли сўраб таъзия билдирганлар ҳам кўз ёшларини тий олмаёт кетардилар. Эридан, қизидан ажралиб қолган Ўғилой опа

Ражапова ягона хотира бўлиб қолган. Набирасидан ажралиб қолишдан чўчирди. Сути қонган кўрагини она юзюни кўрмаган чақалоққа тутди. Оллоҳнинг ҳам раҳми келди шекилли, кўрагига сўт келди. Чақалоқ тўйиб-тўйиб эмди. Онасининг сезмай улғайди, бувижонига меҳр қўйди. Буви эмас, аяжон дейдиган бўлди. Ҳа, Хусниддин катта-бўлди. Элга оқ бериб, неварасига Ўғилой опа ширингина суннат тўйи қилиб берди. Тўйда қизини эслаб аччиқ-аччиқ йиғлади. Ахир неварасини бағрига босиб Оллоҳга шукр келтирди. Ҳамма-ҳамма, Ўғилой опанинг таниш билдилари, қариндош-ўруғлари, тенгдошлари унга таъзим қилдилар. Ҳа, бу аёлнинг қаршисидан тиз чўкиб таъзим қилсанг арзийди.

Ўғилой опанинг сабр-бардоши унга қанот, шер юрак, куч-қувват берди, невараси уни яшашига ундайди. Ҳа, онажон қизингизни мотамини ҳам тутдингиз, қизим дея оҳ ҳам урддингиз, қабристонини ҳам тарк этмадингиз. Неварангиз Хусниддинни оқ ювиб, оқ тараб одам қаторига ҳам қўшдингиз. Ишонганимиз, семимли жамоангизни ҳам тарк этмадингиз. Кўплаб чақалоқлар Сизнинг қўлингиздан шифо топди, уларни қўларини ўлим чағалидан омон қолдирдингиз. Юзлаб оналар дуосини олдингиз. Биз, Сиз ҳақингизда хотин-қизлар давраларида доимо ғурурланиб гапираримиз. Ўғилой опадек, сабр-бардошли, иродали бўлинг, дея даъват этамиз. Ҳозирги кунда Ўғилой опа қизидан ёдгорлик бўлиб қолган неварасини бағрига босиб, эркалаб, қарилки гаштини суряпти. Дунёда Ўғилой опадек аёллар қўпаяверсин.

Раънохон Жуманиёзова, Булоқбоши тумани ҳокимлиги бош мутахассиси

ЁЗГИ ТАЪТИЛ ҚАНДАЙ ЎТМОҚДА?

Келажгимиз эгалари - фарзандларимиз ёзги таътилни оромгоҳларда ўтказмоқдалар. Хўш бу ором маканларидеда болаларга яратилган шарт-шароит қандай? Тарбиявий ишлар қай тарзда олиб бориляпти? Бу ҳақда Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси бошлигининг маънавий-маърифий ишлар бўйича бошлиқ ўринбосари Номоз Рўзизқуллов бизга қўйидагиларни гапириб берди.

- Соғлом авлод, соғлом келажак пойдеворидир. Шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси шаҳар касабаси уюшмаси билан ҳамкорликда ўқувчиларнинг бўш вақтларини кўнглидагидай ташкил қилиш учун мактаблар қошида 25 та оромгоҳ ташкил этилди.

Мазкур оромгоҳларга ижтимоий жиҳатдан кам таъминланган, кўп болали оилаларнинг фарзандлари жалб этилди. Уларнинг мириқиб хордиқ чиқаришларини таъминлаш, хар томонлама етук, баркамол бўлишларига махсус тайёргарликдан ўтган тарбиячи-мураббийлар жалб этилди. Халқ таълими бош бошқармасининг услубий қўлланмалари асосида турли тадбирлар, қўриқ танловлари, спорт мусобақалари ўтказиш йўлга қўйилди.

Шунингдек, ҳозир айна дам олиш мавсуми эканлиги боисидан шаҳарда мавжуд бўлган тарбия муассасалари, қўшимча таълим мажмуалари, спорт мактаблари ўз фаолиятини давом эттирилади. Бу даргоҳларда 51 мактабдан зиёд ўқувчи ёшлар турли тўгарак, клублар ҳамда спорт секцияларида машғулотлар билан банд бўлади. Дам олишингиз тўғри ташкил этилиши ўқувчиларнинг янги ўқув йилига катта иштиёқ билан ёндошишларига замин ҳозирлайди дейиш мумкин.

Наргиза ПИРНАЗАРОВА

«ДАДАЖОНИМ СИЗНИ СОФИДИК!»

Бизни бошимизга Аллоҳ шундай мусибат, қайғули кунлар бердики, дадажонимиздан айрилиб қолдик...

Ҳаётимиздаги энг бахтсиз кун бу-14 марта кунини. Шу кунини дадажонимиз 5 та фарзанди ва семимли ёрлари бўлмиш онажонимизни ташлаб кетдилар. Жуда ёш кетдингиз дадажон, 48 йил умр кўрдигиз, лекин ҳаётингиз мазмунли ўтди. Дадажон, бизни катта қилиб боқдингиз, таълим-тарбия бердингиз, аммо роҳатимизни кўрмадингиз, одамга алам

қилади. Дадажоним, сизни қулаиб турган чехрангиз хали ҳам кўз олдимдан кетмайдми. Бир гапириб, ўн кулар эдингиз.. Ҳеч кимга ёмонлик ва зийнингиз ҳам тегмас эди. Айтишадми-ку, "яхшича кун йўқ, ёмонга ўлим" деб.

Дадажон, сизни жуда каттиқ соғиндик. Расмингизга қараб ҳам тўймаймиш. Уйимизнинг подшоҳи эдингиз, дадажон. Илоё қолган умрингизни Аллоҳ онажонимга ва бувижонимга берган бўлсин. Бизни бахтимизга онам ва бувиимлар соғ бўлишсин, умрларини узоқ бўлишини Аллоҳдан сўрайман.

Барно Султонова, Тошкент.

ХОТИРА МУҚАДДАС

Ҳеч кимни бошига бундай қайғули кунлар тушмасин. Ахир бир қиз отасиз қолмасин. Ҳеч тенгдошлар, бахтингизга ота-онанингизнинг умрлари узоқ бўлсин.

Дадажоним, жойларингиз жаннатда бўлсин, охирагингиз обод бўлсин, хамиша руҳингиз шод бўлсин. Сизни ҳеч қачон унутмаймиш Отажон!

Дардингизга дармон бўла олмадик, Сизни олиб қола олмадик. Юракда қолди армон, Розини бўлинг биздан дадажон!

МАКТУБЛАР ВА ТАҚДИРЛАР

ДУНЁДА БОР БЎЛСИН ЯХШИЛАР



Уч йил бўлди ҳар хил мишмиш гаплар туфайли дадам билан аям ажрашиб кетишди. Биз тирик етимга айландик. Дадаларининг ёнида эркаланиб юрган дугоналаримни кўриб ҳавас қилиб, кўзларимдан ёш чикиб шу дунёга нимага келганимдан ҳам норизо бўлиб юрак бағрим порадора бўлиб нима учун Оллоҳим мени шу дунёга келтирди деб ойимга билдирмасдан зор-зор йиғлаб юрардим. Бу дунёда ахир мени нуғоҳини нимада? Тошкентда касалхонада 42-кун даволаниб ётдим. Дадамни кутдим. Лекин кўргани келмадилар. Бир мартагина келсалар нима бўларди, ахир мен фарзандларини эдим-ку... Охири нима қилишимни билмасдан "Оила ва жамият" газетасига мактуб ёздим. Мактубим "Дадажоним меҳрига зорман" сарлавҳаси остида газетанинг 1998 йил 43-сонида босилиб чиқди. Севимли газетанинг 47-сонида эса Фаргона вилояти Сўх ноҳияси, 4-мактаб ўқитувчиси Зоиджон Мирзабековнинг "Наргизаондек қизимиз бўлса" деб номланган мақолаларини ўқиб севинганимдан зор-зор йиғладим. Бир кунда қайта-қайта юз марталаб мақолани ўқиган

дирман. Мақолада Зоиджон амакининг тўрт ўғиллари борлиги, учтаси мактабни битириб яхши соҳаларда ишлашганлиги, кенжа ўғиллари ўн бир ёшда эканини, шунга қарамай битта қизга зорликларини баён этибдилар. Иккита келинлари ҳам ўғилли эканлар. Мени агар ойижоним рози бўлсалар фарзандликка олишларини баён этиб яхши сўзлар билан кўнглимни тоғдек кўтариб қўйибдилар. Қўлимга қоғоз-қалам олиб Фаргонага Зоиджон амакинга мактуб ёзиб, миннатдорчилигимни баён қилдим. Агарда вақтлари бўлса менга мактуб ёзиб туришларини ҳам илтимос қилдим. Аввалига шунча катта киши мендек бир ёш қизчанинг мактубига жавоб ёзадилар деб ишонмагандим ҳам. Йўқ, хато ўйлаган эканман. Кунларнинг бирида синф раҳбаримиз ва дугоналарим билан мактабдан келаятганимда почталон амаки: "Наргизаондек, сизга Фаргонадан мактуб бор", - дедилар. Хурсанд бўлиб мактубни очиб ўқидим. Суюнганимдан кўзларимдан дув-дув ёш тўкилар эди. Синф раҳбаримиз Юнусова ҳам мени бағриларига босиб йиғлардилар. Дугоналаримга мактубни ўқиб бердим. Мактубда амаким вақтларини топиб мени олдимга албатта келишларини айтган эканлар. Дугоналаримга бу ҳақда айтсам ишонмадилар. Амакимга яна мактуб ёзиб, дугоналарим келишингизга ишонмаяптилар, сиз албатта келасиз-а, деб сўрадим. Мактубимга яна жавоб хати олдим. Унда амаким оила аъзолари билан тушган суратларини менга жўнатиб, албатта

келиб мени қиз қилиб обектишларини ёзиптилар. Мен ҳеч ишонгим келмади. Бу орада уларга бир нечта мактуб ёзиб мактубимга жавоб олдим. Кўчамизга бирон машина келса югуриб бориб дарҳол қараб келаман. Кунларнинг бирида эшигимиз олдида ўтирган эдим, оқ рангли "жигули" эшигимиз олдида тўхтади. Уч киши машинадан тушдилар. Дарҳол суратга қараб амакиннинг танидим. Мен ҳам суратимни жўнатган эдим. Мени кўриб "мана қизим, мен келдим", - дедилар. Мен "Дадажон келдингизми", - деб югуриб бордим. Мени бағриларига босиб юзларимдан ўпиб-ўпиб олдилар. Шу ҳолни кўриб қўшнилари-миз ҳам, дадажоним билан бирга келган Бахтиёр акаю Нажмиддин акалар ҳам кўзларидан дув-дув ёш тўкиди. Мен эса ўзим гўёки туш кўргандай эдим. Бўлаётган гапларга ҳеч ишонгим келмас эди. Дадажоним бир кечаю бир кундуз бизлар билан турдилар. Бувим билан ойимга: "Энди мен Наргизаондек водийга олиб кетаман, Сизлар рози бўласизларми", - деб сўрадилар. "Сизга ўз отасидан ҳам меҳри ошиб кетди. Албатта бизлар рози", - дейишди ва менинг розилигимни сўрадилар. Мен албатта бораман деб рози бўлдим. "Ойижон, сизлардан ҳам тез-тез хабар олиб тураман", - деб айтдим. Дадажоним билан азиз шаҳримиз Бухорони айландик. Самарқандга келиб Имом ал-Бухорий зиёратгоҳларини томоша қилдик. Сўнг Фаргонага йўл олдик. Мен машинада келаётиб юртимизнинг баланд тоғларини, тоғ-

Наргиза Соҳибназарова, Фаргона вилояти, Сўх тумани.

«ОИЛА ВА ЖАМИЯТ» УГИТНОМАСИ



ТЎРТЛИКЛАР

- Бировнинг дилини оғритмоқ бир зум, Биров кўнглини овламоқ, қийин азизим.
- Беролмасан лоақақл бир кўжум узум
- Ширин сўз-ла қилгин бир бора таъзим.
- Хайрлидур ниятинг, яхши оқибат
- Ғараз ният-ла ним топмиш саодат
- Яхшилик уругин сепсанг сен фақат
- Роҳат-фароғат ҳосилин йиғурсан абад.
- Ҳар кун эрта туриб қичқираб хўроз
- Бу дегани, тун ўтди ёмонли ё сўз
- Ҳолис тилакни тез амалга ошир
- Кун ўтиб бормоқда, фурсат жуда оз.
- Ақли разо инсон ила, бўл ҳамкор
- Йўқса умрингни сўз ўтиши душвор
- Аммо девонани масхаралама
- Ақли ноқисдан ўргалмоқ даркор.
- Тўлқин ЭШОНХЎЖАЕВ, Тошкент шаҳри

Ҳаётда шундай воқеалар юз берадики, баъзан у бир умрлик сабоқ бўлиши ҳам мумкин.
Бугун сизга ҳикоя қилмоқчи бўлганларим ҳам худди шу ҳақда. Хулоса чиқармоқлик эса ҳар кимнинг ўзига ҳавола.
Ҳаёлларга ғарқ бўлиб, маҳаллаимизга ҳам келганимни сезмай қолибман...
- Ҳа, сизнинг болангиз оппоқ экан-да! Кўраясизми, болагинамнинг бошидаги гуррани.
- Ҳой, қилгиликни қилиб қўйиб яна шаллақилик қилишганига ўлайми, буларни. Кечагина 2000 сўмига олиб кийдирган манави жинсини кўрдингизми? Хўш, тўлашга пулингиз етадими, ўзи?
- Ҳе, ўша жинсинг билан кўшмовор бўл.
- Вой, қаргамай, қарғишларинг ўзинг ургур, жодугар, гадо! Бир неча йиллик қадрдон қўшнилари-нинг бундай хурматсизлиги хаёлимни узоқ-узоқларга олиб кетди.
Ушанда биз ҳам худди уларнинг болалари каби бола эдик, шўх эдик. Бир кунги укам кўчадан келасолиб, йиғлаб юборди ва қўшнимиз Қодир магазинчининг ўғли урганини айтди. Лекин, раҳматли онамиз бир қарадилару, индамай ишларини давом эттираведилар. Бундан менинг қаттиқ

САБОҚ



жаҳлим чиқди ва кўчага чопдим. Бир оздан кейин эса ўзимнинг ҳам ўпкам тўлиб қайтиб кирдим. Чунки қўшнимиз Зилола ва Тимурларнинг онаси Ҳуринисо хола жанжалимизга қўшилиб укам икковимизни бир шапалоқдан уриб, роса қарғди.
- Нега болангизни уришса ҳам, қарғашса ҳам индамай-сиз? Нима, биз сизга керак эмасми? Улдириб қўйишса ҳам майли, экан-да,-дедим аччиғимдан онамга.
Укам эса "Она, юринг, сиз ҳам қичқинг кўчага", - деб янги-ди. Онам эса негадир ғалати

ТАРБИЯ СОАТИ

либ мен ҳам ади-бади айтишсам, яхши бўлмайти. Кўздек қўшни билан болани деб уришиб, хижолатга қолайми? Сизлар ёшсизлар, бугун уришиб, эртага ярашиб кетаверасизлар. Лекин катталарни ярашиши қийин. Тил суяксиз, индамаса нималарни деб юбормайди. Бола ўртасига эси йўқ одам тушади. Сизлар хаффа бўлманглар, икки-уч кун вақт ўтсин Ҳуринисо холангга мен ҳаммасини ётиги билан тушунтириб қўяман.
Орадан озгина вақт ўтиб биз ҳақиқатдан ҳам онам айтганларидек Зилолалар билан ярашиб олдик. Лекин бир ҳафтадан кейин Зилола билан Темур Фарруҳ деган қўшнимизнинг бошини ёриб қўйишди. Унинг онаси Ҳуринисо хола билан чунонам ёқа олишдилар.
Мана орадан неча йиллар ўтиб, ўзим ҳам она бўлдим. Ҳар гал фарзандларим кўчага чиқаётганларида "Уришмай ўйланглар", дейишга одатланганман. Ҳеч қачон тез уришиб тез ярашадиган болаларнинг орасига тушмасликка ҳаракат қиламан. Ўғилларимга ҳам кўчадан чақимчилик қилиб келиш уят деб уқтираман.
Шундан бўлса керак, бир неча марта боғчадан юзлари тимдаланган ҳолда қайтганида сўрасам:
- Айтсам, ўша қизни чиқиб

урмайсизми? - деди.
- Бу гапдан ҳайрон бўлдим.
- Нега?
- Фариди ўзи ҳаммани юмдалайди-ю, яна онасини бошлаб чиқади.
- Кейин-чи?
- Кейин, онаси қизи кўрсатган болани уради.
- Сеням...
- Бир шапалоқ урди, холос. Аммо сиз ҳам боғчага чиқиб юрманг, тагин. Кейин мени ҳам ҳамма "чақимчи" дейди.
Ҳа, ҳамманинг ҳам фарзанди ўзига ширин. Шундай бўлса-да, онамнинг ўшанда тўғри йўл тутганини энди тушунапман. Ҳар ҳолда онамдек бардошли, сабр-тоқатли бўлишга ҳаракат қилапман. Чунки болаларнинг ўртасига тушавериш одамни маҳаллақўйдан чиқариб қўйишдан ташқари, тарбиясига ҳам салбий таъсир кўрсатиши ҳеч гап эмас.
Кеча ишдан қайтаётиб, кўчада ўша кунги уришган қўшни болаларининг бирга ўйнашганлигини кўриб қувондим, яна бир қарра болаларнинг жанжаллари ўзлари каби беғуборлигига амин бўлдим. Қизик, уларнинг онажонлари Меҳринисо ва Эйтиборхонлар қачон ярашишар экан...

Шаҳзода АКБАРОВА, Наманган вилояти, Янги қўрган тумани

«ДИЛ ДАРДИНГИЗНИ ЎҚИДИМУ...»

“ЁМОНЛИК” - 4 - сон

Синглим Муқаддасхон, сизни дил изҳорингизни ўқиб ўзимнинг бошимдан кечган бир воқеа ёдимга тушди. Лекин Оллоҳнинг ўзи ўша баднафсо инсоф бериб, кўнглига раҳм солиб мени кутаётган ёмонликдан ўзи асради.

1982 йил олийгоҳ талабаси бўлиш ниятида Тошкент сари йўл олдим. Тошкентга мактабни тамомламасдан олдин бир таншишимизнинг уйига аям билан борган эдим, шу адрес билан келаётганим.

Синглим, дунёда яхшилик билан ёмонлик ёнма-ён юради деганларидек ёмон одамлар билан бир қаторда яхши одамлар ҳам жуда кўп экан. Мен поездга миниш учун Фарғонадан Қўқонга, бораётган эдим. Мендан олдин билет олган йигит билан автобусда ёнма-ён ўтириб қолдик. У йигит олийгоҳга ҳужжат топшириш учун бораётганими билиб, эҳтиёт бўлинг Тошкентда ҳар хил одамлар бор, дедилар. У йигит Тошкентдан Қўқонга уйларига қайтаётган эканлар. Қўқонга биринчи мартаба бораётганими эшитиб темир йўл бекатидан поездга кузатиб, сўнг уйларига бормоқчи бўлдилар. Чипта оламиз деб борсақ навбат кутиб турганлар жуда кўп экан ва фақат “обшый вагон”га чипта бор экан, холос. Қўқонлик ака, исмлари Расулов Акрам, сизга чипта олиб бераман, деб навбатда турдилар. Бир пайт қарасам иккита чипта олиб келдилар. Ўзимга ҳам олдим. Тошкентда ишим бор, дедилар. Кейин билсам мени ёмон одамлар чангалига тушиб қолмасин, қиз бола ёрқиб ўзи бораётти, борадиган адресигача кузатиб қўйиб деган эканлар. Вагонга чиқсақ жуда одам тирбанд, ҳатто ўтириб кетиш у ёқда турсин тик туриб кетишга жой йўқ. Акрам ака мени ўтирган одамлар ёнига сиғштириб қўйдилар. Тошкентга ҳам етиб келдик, Акрам ака, “Борадиган жойингизгача кузатиб сўнг Қўқонга қайтиб кетаман”, - дедилар. Мен бўлсам шундай яхши одамдан кўрқиб, турадиган жойимни билиб қолмасин, тагин деб, - “Йўқ, бу ёнига ўзим кетавераман”, - дедим. Ушанда ҳақиқий исмиمنى ҳам ундан яшириб бошқа исми айтганим.

“Мана манзилингизга ҳам эсон-омон етиб қолдингиз”, деб мен билан хайрлашиб яна Қўқонга хотиржам қайтиб кетдилар. Менга худди синглисидек муомалада бўлдилар.

Мен бораётган жойимни аниқ билар эдим, чемадоним оғир, ичи тўла китоб, кийим-кечак ва пулларим бор эди. У жойга қурак бориш ноқулай, бирор нарса олай деб озиқ-овқат магазини қаерда бор экан, деб у ёқдан бу ёққа қараб турсам, бекатдаги саркашга ўтирган бир одам келиб, “синглим нима ахтараясан”, - деди. Сенсираб гапирганига хушомад қилмаяпти-ку, дебман. Ундан сўнг ёши ҳам анча катта бўлгани учун у одамдан ёмонлик кутмабман ҳам десангиз. Ундан олдинроқ Акрам акадек яхши одам учрагани учун ундан ҳам ёмонлик чиқмайди деб уйлабман. Мен унга озиқ-овқат магазинини излаяман, деб жавоб бердим. “Юр қурсатаман, юкинг ҳам оғир шекилли”, деб чемадонимни кўтариб олди.

Бир дўқондан майда-чуйда олдим, кейин трамвай бекатига бордим. “Чемадонимни беринг энди, ўзим кетавераман”, - десам, “Юкинг оғир экан кўтаришиб бораман”, - деб бермади. Мен Абай кўчасига боришим керак эди, у томонга эмас, қарши томонга “Студентлар шаҳарчасига кетадиган трамвайга минамиз, деди. Мен, - бу томонга эмасми дедим. “Йўқ бу томондан борсақ яқин”, деди-да келган трамвайга чемадонни кўтариб миниб олди, мен ҳам миндим. Талабалар шаҳарчасига етганда (охирги бекат экан) тушдик. Ҳалиги одам тез-тез юриб кета бошлади, мен ҳам у одамга ета олмай кета бошладим. “Хў-ў ака, юкимни беринг”, десам ҳам эшитмасликка олиб кетаверди. Қарасам одамлар сийраклашган, болалар қўй боқиб юрган қамшизорлар тарафга кетаяпти. Юрагим бир нарсани сезиб қўрқа бошладим. “Тўхтаган ака юкимни беринг”, - дедим. У индамай тез-тез кетаверди, мен ҳам етолмай чопгандай ҳансираб кетаятман. Энди аниқ сеза бошладим, мени алдаб бу ёқларга олиб кетаётганими. Оёқларим қалтираб зўрга юрар, юрагим қинидан чиққудек урар, нафасим бўғзимга тиқилиб қолганди. Анча юргандан кейин катта йўлни тарк этиб ингичка чанг йўлакчадан кета бошладим, нарироқ жарликдан иборат экан. Мевали дараклар, қандайдир қишлоқнинг бошланиши экан. Энди тамом бўлдим, ҳаммаси тугади, деб уйладим. Бу одамни ҳам Акрам акадек деб уйлабман. Энди бутун вужудим қалтираб бошлади. Ҳалиги одам ниҳоят тўхтади. Мен ўзим қочиб кетай десам иложим йўқ. Чемадонда ҳужжатлар, кийим-кечак, китоб ва пулларим ҳаммаси шунда эди. Мен ҳам олдига етиб бордим ва шундай ялдинимки, таърифлашга сўз ожиз, ўзим дағ-дағ қалтираяман. “Юкимни беринг бўлмаса бақираман”, - десам, шартта қўлимдан маҳкам ушлаб (ёнида пичоғи бор экан), “Овозингни чикарсанг, сўйиб ташлайман. Сени бу томонларга нима учун олиб келдим, шундоққина осонлик билан қўйиб юборсам”, деди. Мен энди жудаям ёлвора бошладим. Бу одамнинг башараси ниҳоятда совуқ эди. Лекин афти совуқ бўлса ҳам юраги эриди. Инсофи бор эканими ё мени қалтираб ёлворишимга раҳми келдими, қўлимни қўйиб юрагим юзимга қаттиқ бир тарсаки туширди. Мен қафасдан қўтилган қушдай орқамга қарамай ўқдай учиб югуриб кетдим. Катта йўлнинг ўртасида туриб олдим, бир машина келаётган эди тўхтади. Шофёрдан Абай кўчасига олиб бориб қўйишини илтимос қилдим. Кетаялман-у ҳансирашдан ўзимни тўхтаста олмабман, қалтираялман. Шофёр, - “Ха синглим нима бўлди сизга рангингизда қон йўқ”, деб қолди. Мен нима бўлганини ярим-эрти зўрга айтиб бердим, шофёр эса, - шунга шунчамки, деб қолди. Жин кўчалардан кетаялгимиз, ха деганда ета қолмаялгимиз (ё мен кўрқанчим учун узоқ туюлдим), яна қўрқа бошладим. Бу одам ҳам алдаб олиб кетаяптими деб. Ниҳоят Абай кўчасига етиб бордик, борадиган жойимни шофёр билиб қолмасин деб анча бериди тўхтадими. Шофёр ҳам ҳар кимга ишонмаверманг, - деди, ахир...

Шундай қилиб борадиган жойимга ҳам эсон-омон етиб бордим, олийгоҳда беш йил эсон-омон ўқиб қайтдим.

Қаранг, ҳаётда ҳар хил инсонга дуч келар экансиз, ҳаёт қарама-қаршиликлардан иборат экан.

Муқаддасхон, синглим, сизга дуч келган ўша хайвоний хирслилар сизни жуда ачинарли аҳволга солишибди. Ўша маҳлуқлар сизга ичи ачиганда раҳми келганда эди сиз ҳам ҳаётда шунчалик бахтсизликка дуч келмасдингиз. Сизга жуда-жуда ичим ачиди, лекин сиз ҳам озоқ енгилтақлик қилибсиз, Сиз Самандарга тўйдан олдинроқ бор гапни очик-ойдин гапириб берганингизда сизни ҳақиқатдан севса кечирармикан, сизни аҳволингизни тушунарди-ку. Шунчалик бахтсиз бўлмасиндингиз, сирка ичиб нотўғри қилгансиз.

Сингилларимизни ушлардай иймонсизларга учрамашидан Худо асра син, ундайларга инсоф берсин.

Мен шу хат орқали Акрам акага мена қилган яхшиликларни учун ўз миннатдочилигимни билдирмоқчи бўлиб ушбунга ёздим. Акрам ака охиригача кузатиб қўяман деганларидек қаршилик қилмасам ўша одамга дуч келмас эдим. Шунисига ҳам шукр қиламанки ўша бадниятга инсоф бериб менга тегмади, фақат қаттиқ бир шапалогини еб олдим, аламидан урдими, энди билмадим.

Акрам акадек яхши одамлар қўлайсин, ёмонларга Оллоҳим ўзи инсоф берсин, дейман. Акрам ака ҳам бизга ўхшаб “Оила ва жамият” рўномасининг шайдоси бўлса мактубимни ўқиб эсласалар керак.

Рўнома орқали Акрам акага менинг каттадан-катта раҳматим ва саломларим етса, ўзимни беҳад бахтиёр ҳис этган бўлардим.

Салом билан, ЛОЛА

БАХТ САДОҚАТДАДИР...

“МЕН СЕНИ СЕВАРДИМ, БИРОҚ” - 19-сон

Абдумалик ака!

Дунёда севги борми деб сўрабсиз? Агар ҳар қандай инсонни юрагини бир бор куйдиришга қодир шу пинҳоний дард бўлмаганида эди, эҳтимол сиз ҳам ўзингизни қийнаган муқаддас изтироблар билан қоғоз қораламаган бўлардингиз... Шундай эмасми?

Афсуски, ҳаёт биз ўйлаганимиздан мураккаброқ, Мусулмончиликда “Она рози-худо рози” каби ҳикматга амал қилиш одатга айланган. Балки севгигина бундайин одатга тобе бўлолмас, лекин қайси ота-она ўз фарзандига бахтсиз турмушни раво қўради? Нодирани онаси айнан бахтли бўлди деб ишонгани учун бошқача турмушга берган бўлса-чи? Биз биламизки, ҳали ҳеч ким умри давомида йўл қўйган хатоларини тузатиш учун ҳаётини қайтариб олишдек имконият эгаси бўлолган эмас! Тақдир сиздан севган кишингизни тортиб олибди, бўлар иш бўлибди. Бунинг учун бир умр қайғуриш билан яшаб бўлмайди. Умрдаги сон-саноксиз муаммоларнинг ҳаммасига ҳам жавоб топишинг иложи йўқ.

Назаримда, севги “кўл етмас” юлдуздек ёрқин ва йирок, Сирли лаҳзалар, хотиралар узоқ яшайди. Менимча, севги армон бўлиб юракларни ларзага солгандагина кадрли,

унутилмас. Энди айтинг-чи, инсоннинг ўзидан-да ортиқ севган кишининг бахти учун ўз бахтини бера олиш, уни ҳаётдаги соқинлик учун курашмоғлиги ёмонми?

Хозир Нодира учун ота-она олдидаги ёруғ юз, уларнинг дуоли, турмуш ўртоғи билан тинч ҳаётдан бўлак бахт бормикан? Энди сиз ҳам Нодиранинг бахтли турмуши учун қисман жавобгарсиз! Тўғри, севгидан яраланган дилга чиройли сўзлар ила тасалли беришни фойдаси йўқ, лекин сиз ҳали тан оласиз.

Дунёда севги бор!

Абдумалик ака!

Қайғурманг, қайсидир жиҳатдан йўқотган Нодиранигиз ўрнини боса оладиган қизни учратишдек бахтни тақдир сизга совага этишинг ишонаман. Атрофга дил қўзлари билан қараб қўринг. Қанчалик қийин бўлмасин, ҳаёт жуда гўзал...

Сиз мардларча севганингизнинг исботи учун, ҳаёлингиздаги нурли қаср ичида Нодиранингиз асранг-у, ҳаётини бузманг, шoir айтганидек:

Бу дунёда ишгаб ўтган озми жоним
Ўзинг уйла дардсиз созлар созми жоним
Қўйиш мени, унут қўйишга бузмагил жоним,
Нурли, нурли, нурга қўйишга бир ҳаёл бўл!
Ўз ёрса садоқатли бир аёл бўл!
Ўз ёрса садоқатли... садоқатли... АФСОНА

АГАР СЕВСА ХИЁНАТ ҚИЛМАЙДИ

“КЕЙИН ХИЁНАТ ҚИЛМАСМИКАН?” - 19-сон

Ҳаёт шундай мураккаб, унда ширин дамлар, аччиқ кунлар, омадли ва омадсиз кунлар ҳам мавжуд. Ҳаётда нафақат икки оёқли инсон, тўрт оёқли от ҳам қоқилади деган нақл бор. Шунинг учун мен ёзмоқчиманки, Шўҳрат ака, сиз агар бошқа бир қизга уйлансангиз ҳаётда адашган бўласиз. Чунки сиз бу қизни севасиз, у ҳам сизни севади. Агар сизни ҳам бу қиз чиндан севса хиёнат қилмасалар керак... Худо хоҳласа шириндан шакар фарзандларни ота-онаси бўлишларингизни Оллоҳдан барча “Оила ва жамият” газетаси мухлислари сўраб қоламиз.

Алданиб сувоқли бўлгандаи қўра
Айрилиб қон ишгаб юрган яхшидур.
Севмасан қиз билан яшайдан қўра
Бир умр севгисиз ўтган яхшидур.

Севара НАЗАРҚОСИМОВА,
Чиноз тумани

БУ КУНЛАР УНУТИЛИБ КЕТАДИ

“ИШОНЧИМНИ ТОПТАЙДИ” - 20-сон

Гулистонлик опамиз Ш.М. хонимга шундай демоқчиман.

“...Шошган қиз эрга ёлчмас” дейишадди. Сиз ҳаётда жуда шошгансиз. Сизни ман-ман деган бой йигитлар олий бахтли қилиши мумкин эди-ку. “Севиб-севилиб турмуш қурдик” дегансиз. Ўз ёрига вафали бўлмаган эркак севгини нима билсин. Севгини билган одам ўз жуфти ҳалолнинг синглиси билан юрадим. Бу эркакда инсоф йўқ экан. Сиз синглингизни нима сабабдан уйингизга икки боласи билан олиб келдингиз. Синглингизни енгилтак дебсиз. Енгилтак бўлмаса икки боласи билан эри ҳайдаб юборардимми? Қаранг, сизни раҳмингиз келиб синглингизни болалари билан уйингизга олиб келибсиз. У эса ҳаётингизни барбод қилиб, қизингизни тирик етимишлар сафига қўшиб ўтирибди. Сиз ўз хатоингизни тушуниб уйдан бош олиб кетиб яхши қилибсиз. Чунки ўз қайинсинглиси билан юрган одам вақти келиб фарзандига ҳам хиёнат қилиши мумкин. Ичкиликка берилган одамдан ҳар нарсани кутishi мумкин. Сиз онамга шарт қўймоқчиман

деб ёзибсиз, қайси фарзанднинг ота-онага шарт қўйишга ҳақиқи бор? Ҳеч қандай ҳаққингиз йўқ, Агар онангиз синглингизга сендай фарзандим йўқ, онангиз рўзгорини буздинг деб айтсалар ва синглингиздан воз кечсалар ҳаққидир. Онангизга ҳам жуда қийин бўлибди. У бармоқни тишласа ҳам оғрибди, бунисини тишласа ҳам оғрибди. Шунинг учун онангизни ҳеч қачон қийнаманг.

Майли, мушкул бўлсин сен талпақан йўл.
Толенинг ҳам майли кечмасин осон.
Фақат одам қадри билар одам бўл.
Бил инсон қадрини билзувчи инсон.

Сизга маслаҳатим, вақти келиб эрингиз кечирим сўраб келсалар, ҳеч қачон кечирманг, чунки у сизга энди номаҳкам. Қийналсангиз ҳам болангизни ўқитиб яхши жойга узайтиб муродингизга етасиз. Бу қора кунингиз албатта унутилиб кетади. Ҳеч қачон тушқунликка тушманг.

Сизга сабр-тоқат тилаб қолувчи синглингиз,

ЗУЛАЙХО

ОҚ ФОТИҲА ТИЛАНГ, ОНАЖОНИСИ!

“ЮРАК БАФРИМНИ ТИЛМАНГ, ОНАЖОНИ!” - 22-сон

Шерзоджоннинг Соҳидаҳонга бўлган тоғли туйғулари-муҳаббатининг рўё бўлишига қаршилик қилаётган онаизоридан, тўғриси, ранжидим.

Баён қилиншича: ота-онаси икки ёшнинг севгисидан ҳабар топишиб: “У билан бутунлай алоқани узишим кераклигини уқтиришди. Эмишқи, қачондир-қай бир йиллар ота-боболаримиз ўртасида жанжал тўполонлар бўлиб ўтган, шундан буёки икки томон бир-бири билан ёлашиб қолишган экан. Ушталарнинг қилиш-қилдириши учун энди биз жавоб беришимиз керак экан. Ўз онамдан бу гапни эшитгач, қўз олдим қоронғулашди. Ҳаётимдаги энг муسابати оғир кун бўлди ўша кун!”

Ачинарлиси шундаки, ёшларнинг 7 йил мобайнида ардоқланган инсоний севгиси қандайдир гумонли жанжалнинг қурбони бўлса...

Она талаби ҳам шунчалик аёвсиз бўладими? “Онаминг талаби бўйича, мен энг азиз инсонларим-ота-онамни ёки ҳаётимнинг мазмунига айлиниб қолган Соҳидамни ташлашдан керак. Албатта, мен учун биринчи навбатда отажон-сиз, онажон-сиз азизсиз. Бир умр қўлимни тўрида сизлар (нақадар оқлона сўзлар - А.Х.) Лекин бир умр орзу қилган, қўз қорачуғимдек асраган нозигимни йўқотиш мен учун жуда оғир”.

Хат муаллифи қалбдан ёниб, чин дилдан ўртаниб севмасам, “Ҳаётимнинг мазмунига айлиниб қолган Соҳидамни”, “бир умр орзу қилган, қўз қорачуғимдек асраган нозигим”ни иборасини ёзардимди Йигитларда бундай қалбдан севилш, ўгли муҳаббат эгаси бўлиш, аёлларни ардоқлаш қамдан-кам учрайди.

Шерзоджон онажонисига она сифатида иттижо қилмаган: менидан кичикми ёки каттамикан, нева фарзанда онасиз билмайману, биз оналар эсланг, ҳар бир ўғил-қизимизни қабл қўрмиз билан ардоқлаб дунёга тортиқ қилганми. Ҳар бирининг қамоли-жамоли учун умримиз нисор бўлгани рост: Эндиликда ариматан гина-қудратни эслаб, уни байроқ қилиб олиб, оёқ тираб олак, жигарғушамизга нисбатан адолатсизлик бўлмасинми? Ахир, “Яхши одамга гина бўлмайди”, - дейишадилку доноларимиз. Зотан, она қабл даре, денгиз, қуёшга қўйсангиз шорилар наздида. Сизлар ҳам дарёлик қилиб, фарзандингиз бахтига йўл очиб, оқ фотиҳага қўл қўтаринг! Мен ҳам барча меҳрибон оналар номидан оқ фотиҳага шерик бўлай. Уларнинг бахт бонияд эркиланганини ностамиз “Оила ва жамият” дан эшитамиз деган умиддам.

Яқинда менинг биринчи қизим Дилдоранинг фарзанди Бобирхон уйланди. Шу кунга она келин-қўёни қабл шодликлар-ла жўшиб табриқлади. Сизга ҳам шундай туйлар қўрни насиб эттай.

Афифа ҲАСАН ҚИЗИ,
Тошкент.

ТАБРИКЛАЙМИЗ



Азиз фарзандларимиз
Ҳасанжон ва Зухраҳонлар!
Сизларни туғилган кунингиз билан табриклаймиз. Оллоҳдан узок умр, саломатлик тилаб,
Оила аъзолари,
Моҳиргул, Элдорлар.



Хурматли ўғлим
Беҳзод Соҳибов!
Сени 12-июль 11 ёшга туълушиг муносибати билан табриклаймиз. Бахтимизга ҳамisha соғ бўл.
Даданг Рустамжон,
аянғ Шоираҳон.

ТАБРИКЛАЙМИЗ

АЖОЙИБ-ҒАРОЙИБ

ЎЗИМИЗ ТОМОША КЎРСАТДИК...

... Онам Янгибозорда яшардилар. 2 апрел жума куни болаларим билан опаникига меҳмонга бордик. У ерда кичикроқ бозорча бор, бозорчани ичида опамга қарашли "Шухрат" хусусий магизини, магизин ёнида 3 метрдан чуқурроқ ховузча бор эди. Ховузнинг устига сетка ёпилган, ҳозирда не сабабдандир сеткаси олиниб, 2 та темир узунасига ташлаб қўйилган экан. Ховузчада майда-майда балиқлар кўп бўлиб, чуқурлиги қараган одамга билинмасди. Беш ярим яшар қизим балиқларни томоша қилиб, энгашиб ховузга қалла қўйибди ва қандайдир куч билан тенага интилиб, темирлардан бирини ушлаб олибди. Бир пастда қий-чув бўлиб кетди. Шу маҳал мен бозорчани айланиб юрүвдим, қизиқиб ховуз томонга қарасам, мўйловли бир амаки икки қўли билан бир қизчани ушлаб турибди, ким экан деб қизиқиб яқинроқ борсам, сочидаги тақинчоғидан таниш.

"Вой, Муқарражон," деб ховлиқиб бориб қизимнинг юзига бир тарсаки туширибман. (Ҳалиям ўша куни иссиқ бўлгани). Қизим қалтираб, нима дейди дегн: "Опа, мен балиқларнинг уйида меҳмон бўлдим..."

Опамларнинг кўрқувдан ранги оқариб кетган, тили қалимага келмасди: " - Худо бир асради қизингни, катта одам тушса чиқа олмасди", - дерди такрор-такрор. Янгибозорга томошага бориб ўзимиз томоша кўрсатиб келдик.

Шунақасиям бўларкан!

МАТЛУБА, Тошкент

ЧЎҚҚИДА ЧИРОЙЛИ
ЖАЙРОН КЎРДИМ



Ҳозир ёшим 22 да, оилалиман, бир фарзандим бор. Турмушга чиқмасимдан олдин ҳар бир қизга келгани каби, бизникимга совчилар келишарди. Бир совчи энамга (дадамнинг бувиси-га) ёқиб қолиб майли, йигит билан қиз кўришишинчи, деди. Шу учрашувдан кейин 1-2 кун ўтгач туш кўрибман. Тушимда катта чумилиш майдончаси (бассейн), ҳамма нуқиялапти. Мен ҳам ўзимни сувга отаман, десам кимдир "Сувга тушма, тушсанг чуқиб кетасан", деяпти, гапга қирмасдан сувга тушгани қўлай жой излаб кетаётсам, бир туپ одамлар баланд чўққили тоққа қараб туришибди. Мен ҳам қизиқиб қарасам, чўққининг энг баланд нуқтасида чиройли жайрон иргиллаётти. Унга маҳлиё бўлиб, сувга ҳам тушмабман ва уйғониб кетдим. Бу тушимни бувимга айтсам, улар "Қизим, сувга бу йигитдан кўра зўрроқ, ҳамма ҳавас қиладиган, ҳаммамни ўзинга қаратадиган қув учрақан. Сизни оғохлатириб, агар қозиб йигитга розилик берсангиз, бахтсиз бўласиз дейишибди", деди. Шу тушга ишониб, совчиларга рад жавоби берилди. Кейин анча вақт ўтгач (1-2 йил) бирдан 2 та совчи оёғини тираб олишди. Дадамлар бувимга (онамга) "Қизингизга айтинг, кўл танлайвермасин, тағин танлаб-танлаб розисига учрамасин", дедди. Лекин ўзинга қўйиб беришди. Икки йил ўртасидан, шу икки совчидан бирига розилик беришим керак. Бувиим "нафил намозни ҳожа", яъни ҳожа намозини ўқиб ётганларида, тушларида олпоқ соқолли чол оқ дуррада нарса берган ва шундан кейин операция қилиниши керак бўлган укам операциядан яхши чиққанди. Мен ҳам шу намозни ўқиб ётдим. Тушимда ота-онанг бермоқчи бўлганига

рози бўл, дегандек қилишди. Ва мен жуда хурсанд ҳолда турдим. Шундан кейин ота-онамга, қариндошларга маъқул келган йигитга узатилдим. Ҳозир Худога шукр, бахтлиман. Турмуш ўртоғим ҳамма ҳавас қилса арзиғулик инсон.

Турмуш курганимиздан сўнг бир йил ўтар ўтмас фарзанд кўрдик. Халқда бир гап бор-ку, "Чиллалли дёлнинг қаришидан курак" деган. Шунга нисбатан айтмоқчиман, туғиш қайта дунёга келиш экан.

Шунинг учун туққан аёл пок бўлса керак. Туғруқхонада ётсам тушимга "Шоҳимардонни азиз" кирибди. Жуда чиройлимиш. Турволиб негадир кечгача "Шоҳимардон сени соғиндим, сени кўргим келаяпти. Бирам боргим келаяпти, осмонлар тоғларингни, оқ суву, кўк сувингни соғиндим, О, Шоҳимардон, сени бирам кўргим келаяпти, кўнглим эзлиб кетаяпти," деб йиғладим. Уша куни ўзим туғруқхонадан чиқишим керак. Ҳамма жавоб бўлганлар хурсанд, у ёқдан бу ёққа юришади, кетишга тайёргарлик кизгин. Менинг эса кўнглим вайрон. Чунки жуда Шоҳимардонни яхши кўрар эдим, негадир уйга кетишдан кўра Шоҳимардонга кетборгим келарди. Бирам йиғлайман, бирам йиғлайман, ҳеч ўзимни тўхтатолмайман. Ўзимни-ўзим тушунмасдим. Ҳозир ҳам ўша дами ёслаб йиғлаяман. Охириги жумлани ёзиш қийин бўлаяпти. Уша туш курган, яъни тушимга "Шоҳимардонни азиз" кирган вақтда ўша машҳур воқеа Шоҳимардонжонни сув олиб кетибди. Лекин мен буни кечроқ эшитдим (2-3 кундан кейин). Негадир менга айтишмади.

Нилуфар ИНОЯТОВА
Фаргона вилояти

ТАШАККУРНОМА

ҚЎЛЛАРИ ДАРД КЎРМАСИН

Ёлғиз ўғлим 8 ёшли Абдузалисбет бўлиб қолди. Уйда қилган муолажаларимиз қор қилмай, охири уни оғир аҳволда 1-Болалар кардио-ревматология клиникасига жойлашга йўлланма олдик.

У ерда болам бир ой давомида даволанди. Ўғлимни саломатлигини тиклашда меҳр муруватларини дариг тутмаган Сурайё Замонбекова, Фарида Саримсоқова, Земфира Мансуровна ва Моҳира Зокирова сингари шифокорларга оила аъзоларимиз номидан миннатдорчилик билдираимиз. Ҳеч қачон қўллари дард кўрмасин.

Н.РАШИДОВА, Тошкент.

ОИЛА

МЕҲРИБОНИМНИ
ИЗЛАЙМАН



Менинг ҳам дарё каби оқиб бораётган умрим кўпчилик газетхонларникидан фарқ қилмайди. Оилада кўпчиликмиз, Худога шукр. Ширин-шакар оламни сабабсиз арзмаган ҳодисалар учун тарқ этганларга ҳайрон-улман. Мен ҳам ёшлигимда отасиз қолдим. Бобом, онам, акаларим қўлида тарбия топдим. Оиламиз ўқимишли эди, шуларни учун бизга ўзингдан катта, улғу ёшли кишиларни сўзини икки қилма деб ўргатишган. Мактабни тугатиб ўқишга кирдим. Сўнгра армия хизматини ўтадим. Яна ўқиб, олий маълумот олиш ниятим бор эди. Афсуски, ҳали айтиб ўтганимдек катталар мени уйланишга мажбурлашди. На чора ўзимнинг севиб қўйган қизим қилиб, ўзга қизга уйлантиришди. Чунки бобом (ҳозир ҳақматли) кексайиб қолган эдилар, у кишини сўзларини икки қилишга кўнглим бормади. Ниҳоят, уйландим. Уйли-жоили бўлдим, бола чақали дегандай. Турмушдаги қийинчиликлар ортда қолди. Аммо турмуш ўртоғим мен билан яқдил бўлолмади. Олисга қатнаб ишлайман, ишим кўпلىгидан баъзан оилам ишларига қараша олмайман. Ана шундай пайтларда турмуш ўртоғим менга қаҳрини сочади. "Сен ундайсан, бундайсан, мenden бошқасини топгансан, шу учун уйга кам келасан", "Сенга текканимга минг бор норозиман, дейди... Ҳозирги энг қийин дамларда Яратганга шукр қилиш ўрнига самовий орзуларни ҳавас қилади. Начора бу ерда менинг ҳам айбим бор. Қизни ўзини кўрмай-билмай туриб уйландим. Хатолликка йўл қўйдим. Бундан бу ёнга нима қилишим керак, ҳайронман. Кўпчилик қатори мен ҳам тинч-тотувгина ҳаёт кечириб умргузаронлик қиламан деддим. Бўлмайди чоғи. Шунинг учун кўпдан буён ўзимга лойиқ, эркак кишини ҳурмат-иззатини қадрини биладиган, қалби гўзал, (ҳусни шарт эмас, миллати ҳам) аёлини излайман. Боласи бўлса ҳам майли. Парвардигори Олам гойибдан менга шундай бахт ато этармикан? Зеро, шоир айтганидек:

Умр ўтар, вақт ўтар,
Кунлар ўтар, тахт ўтар.

Уйлайманки, бир кун эмас, бир кун мен ўз бахтимга эришаман.

Менинг ниятимни маъқул топганлар бўлса, хат ёзишиб танишайлик. Шоядки...

Мактубингизни "Оила ва жамият" манзилига жўнатинг, улар менга йўллашади.

Шокиржон Султон ўғли,
Бухоро.

«ОИЛА ВА ЖАМИЯТ» ЎГИТНОМАСИ

СИЗНИ ЭЛ МАҚТАСИН...

10 йилдан бери эримнинг ҳаёти қамоқда ва кўчада ўтди. Бор мол-дунёни сотиб йўқ қилди. Битта ўзимнинг олган ойлигимни 3 та боланинг қийинчилигига, овқатига, қайсисига етказаман? Чунки кундан кунга озиқ-овқат кўпроқ кетади. Чунки улар катта бўлган сари катта ейдилар, катта қийди ва ташвиши ҳам катта бўлади. Худога минг қатла шукрки шуларнинг бориға. Болаларим деб яшаб юрибман. Худойим шуларга инсоф берсин, шуларнинг роҳатини кўрайин-деган умидда юрибман.

Икки йил аввал иш жойимизга бир қиз келди. У 36 ёшларда, лекин турмуш қурмаган экан. У қизнинг бутқ атори ёқиб қолди. Мен ўз ҳаётим ҳақида ҳафасил гапириб бердим. У менга тасалли берди. Сен ҳаётда яхши яшайман десанг бу дунёнинг ҳам, нариги дунёнинг ҳам жаннатдан бўлисан десанг, душманнинг бўлмасан. Сен ёмонга ҳам яхшига ҳам яхши гапир, ўзинга, гапингга ишонадиган қилиб ол ва уни яхши йўлда тарбияла. Унинг ҳамма ёмон ишларини кечира бил! Шунда Олло-таоло сенинг гапларингга қулук солади, ёрдам беради, дея маслаҳат берди. Мен унинг айтганларини қилдим, ҳақиқатан бунга қучли ирода қарар экан. Ҳаётда ҳар хил ролага киришиш, кайфиятнинг ёмон бўлса ҳам сездирмай яхши муомала қилишим керак экан. Энди мен қайнонамга "Ўғлингиз яхши, ақли кириб қолди", - деб кўнглини овлашга ва ширин муомалага ўтдим.Қайнонам мени ҳаммага мактайдиган ва борганимда яхши кутиб оладиган бўлди. Ҳозирги пайтда эрим мактабда ўқитувчи. Болаларимни ўйлайдиган, ойлигини ичмай тўлик олиб келадиган бўлди. Уй ишларида қарашадиган, ховлидаги экин-текин ишларини қиладиган бўлди. Ҳа, менга маслаҳат берган қизнинг гапига тан бердим. У менинг ҳаётимни яхши йўлга солганлиги учун, раҳматлар айтиб дуо қилиб ўтираман. Мен ўқийдиган "Оила ва жамият", "Хуқуқ" газеталарини эрим ҳам ўқийдиган, радиоларда оила ҳақида гапирса, ўйланиб қоладиган бўлди. Мендан кечирим сўраб, ўз қилмишларини буйнига оладиган ва ҳаётда қаттиқ адашганигини тан олиб бундан сўнг ҳаётимизни тўғри изга солишга ҳаракат қилишини айтди. Мен ҳам оила шариоити қийин аҳволда қолган дугоналаримга, опа-

сингилларга маслаҳатим шуки, агарда ҳаётим яхши бўлсин десангизлар сизларда душман бўлмаслиги керак.

Сиз бировни ёмон кўрмаслигингиз, ёки биров сизни ёмон кўрмаслиги керак. Сиз ҳамма билан тенг муомалада бўлинг. Ҳеч қачон ҳаётда одам ажратманг. Хулқи ёмон одамнинг кўнглини топиб, яхши тарбияга бошланг. Оилада тежамкор, озода ва болалар тарбиясига жуда қаттиқ туриш керак.

Ҳар бир оилада Қуръон, Ҳадис, бадий, соғлиқ ҳақида ва йўлбошчимиз Ислоҳ Каримовнинг китоблари бўлиши керак. Чунки ўқимишли одам маданиятли бўлади ва келажақда қор бўлмайди. Худога минг қатла шукрки, йўлбошчимиз Ислоҳ Каримовнинг олиб бораётган сиёсати, халқимизнинг қалбини топти. Халқни адолатли фуқаролар жамиятига бошлади. Биз энди фақатгина оила ҳақида эмас, жамиятимиз ҳақида ҳам қайғуришимиз керак. Оилада шундай муаммолар бўлишига йўл қўймаслигимиз, фарзандларимизни Ватанини сеувчи, ота-онани ҳурмат қилувчи ва адолатли жамият қуришда фаол қатнашишда, биз оналар катта таянч бўлиб, туришимиз керак. Оиладаги майда-чуйда гапларни кўнглига олмаслик, қайнона, қайнисингли, овсинлар, қайноға-қайин ва қўниқўшиллар орасида хафагарчилик, уруш бўлмаслиги керак. Сизни эл мактаси, сиз яхши инсон экансиз, сизни эл ёмонласа сиз ёмон одам экансиз. Шундан хулоса қилиб, ўзимизнинг қандай одам эканлигимизни тан олишимиз керак. Қайсарлик, ўжарлик, ман-манлик, бу ўзимизнинг оёғимиз тағдига кетмон уриш билан баб-баравардир. Ҳа, қандай қилиб мен ёмон одамни яхши деб, у билан яхши муомалада гаплашишим керак экан, деган ўжарликни буйнимиздан олиб ташлашимиз керак. Мана шу гапларга қулук солган одамнинг, Олло-таоло олада бутун гуноҳларига тўқилди, ўйлаган яхши орзу-ниятларига эришади.

Мен мана шу хатимни янқлар эканман, оилалар мустаҳкам, келажакимиз фаровон, дўстлигимиз абадий ва осмонимиз доимо мусаффо бўлсин, дея тилак билдираман.

О.,
Охангарон

Республика "Оила" илмий-амалий Маркази жамоаси Марказ директори ўринбосари Д.Ҳолиқова онаси **Ойсоат ҲОЛИҚОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

М ЕН илгарилари "Энди нима қилсам?", "Сиз қандай маслаҳат бера-сиз?" - деб редакцияга хат ёзганларни жуда ёмон кўрадими.

Бирор кун мен ҳам 2 йилдан бери мени қийнаб, юрагимда оғриқ бўлиб ётган, ўлсам ўзим билан олиб кетаман, деб ўйлаган дардимни сеvimли газетамга йўллайман ва шу орқали минглаб кишиларга достон бўламан деб ҳеч қачон ўйламаган эдим. Кўнглимда яна бир кўркүв ҳам бор. Уқиб бўлиб "бу фалончи эмасмикан?" - деб таниб қолмасалар бўлгани.

Қанийди одамда ҳаётни бошқатдан бошлаш имкони бўлса эди...

Нотўғри йўлга қадам қўяётган ёки билиб-билмай қилиб қўйган хатолари, бир умр азобланиб юрмасликларини учун, қизларимиз, аёлларимизга менинг йўл қўйган хатоим дарс, ибрат бўлишини жуда-жуда истардим. Ягона мақсадим ҳам шу!

Отам зиёли, онам эса уй бекаси. Кўпчилик қизлар чиройли бўлишни орзу қилишади, ҳар хил безаклар тақиб ула-элик қилишиб гўзал кўринишга ҳаракат қилишади. Лекин мен жуда гўзалман. Йўқ ўзини мақта-япти деманг, бу баҳо атрофдагилар - кўни-қўшиллар, синфдошлар, қариндошларимиз фикри. Хуллас, мана шу чирой менинг "бошимга етди"!!

Мақтабни тугатиб ўз танлаган касбим бўйича ўқишга кирдим. Биласизми, талабалик йилларим шундай ажойиб ўтганки, имтиҳонлардан қийналмасдим, негадир ҳамма баҳоларим яхши эди, курсдошларим, ҳатто домлалар менга суқланиб қарашар эди. Қанча йигитлар мен билан дўстлашмоқчи бўлиб гап отишар эди. Дугоналаримникига бирор сабаб билан бориб қолсам, акалари мени яхши кўриб қолишар эди. Қўшиллардан, қариндошларимиздан жуда кўп совчи келар эди. Мен эса ўқишни битирай, кейин турмушга чиқаман, дердим. Акаларим мени жуда рашк қилишар ва тергаб туришарди. Хуллас вақти-соати келиб турмушга чиқдим.

У акамнинг жўраси: бир оддий ишчи йигит эди. Оилалари катта. Оталари оламдан ўтган, оналари бор, турмуш шараитлари ҳеч кимдан ортиқ ҳам, кам ҳам эмас эди. Тўйимиз жуда яхши ўтди. Яхши яшаб кетдик. Тўй кўни эримнинг журналаридан бири иккинчисига менга ҳавас билан қараб "қора узумни яхши-сини ит ейди", - деб тўғри айтишган экан, - дебди.

Қайнонам мени жуда яхши кўрадилар, чарлардан қайтганимизда дарров исириқ тутатиб, бир уй аёл "Хола келингииз жуда чиройли экан", - деб айтишди, ишқилиб кўз тегмасин", - дегандилар. Мен ҳам иложи борича у кишини ишларига қарашар, ҳурматларини жойига қўйишга ҳаракат қилар эдим. Фарзандимиз 3 ёшга яқинлашганда бир

кун овақт вақтида ишга кирмоқчи эканлигимни, рўзғорга бир оз фойда келтиришниятим борлигини айтдим. Турмуш ўртоғим ҳам, қайнонам ҳам розилик беришди. Шаҳар марказида жойлашган яхши бир ташкилотга ишга жойлашиш учун бирор иш ахтариб бордим. Ишонасизми, биринчи кун борганимда бўлим бошлиғи "Синглим бизда ишловчилар етарли, ололмаймиз. Яна билмадим балки эртага келиб бошлиққа учрашсангиз, зора ишга олса", - деди. Эртаси кунни котиба - "Бошлиқ ўзида, киринг", - деди ва мен хонага кирдим. Бошлиқ бошини кўтармай "Хўш?", - деди. "Мени ишга оласизми?" - дедим. У киши, "ҳодимларимиз ўзи ошиб-тошиб ётибди", - деди. Шундай деди-ю, боши-

ни кўтариб мен томонга қаради ва мен аниқ билан чиройим иш берди, чунки бошлиқнинг кўзлари галати бўлиб, ўрнидан туриб кулиб келиб мен билан сўрашди. Стулга ўтиришга таклиф қилди. Эски танишлардек сўрашиб, албатта ишга олишини айтди. Бошлиқ гапираяптию, менга бошдан оёқ суқланиб боқарди. Гап орасида "Шаҳримизда шундай гўзал аёл бор экан-у, мен кўрмаган эканман-да, сизни ишга олмасам, кимни оламан. Эртадан ишга чиқаверинг, ҳужжатларингизни тахлаб", - деди ва мени эшикка кузатиб қўйди. Секун у кишига разм солдим-келишган, қомати ўзига ярашган, жуда озода кийинган эркак эди.

Қисқаси шу даргоҳда ишлаб бошладим. Мен ходимлар билан тез тил топишиб кетдим. Менинг ҳаётимдаги энг қоронгу кунларим ана шу вақтлардан бошланди. Бошлиқ мени хонасига тез-тез қақирар, жуда керак бўлмасда, ишга тааллуқли саволлар бериб вақтимни олар, гап орасида бўш вақтимда қаерга боришим билан қизикарди. Боламга боғчага йўлланма олиб бермоқчи бўлганида, "йўқ, қайнонам ўзлари қарайдилар", - дедим. Ишхонада бирор байрамларда ўтириш бўлса, ёки ходимларимиздан кимнингдир уйига тўйларга борсақ, мен ҳамма вақт эримга "сиз ҳам юринг, бирга бориб келайлик", - деб кистардим. "Ҳеч кимни танимасан, нима қиламан бориб, сенга ҳам нима гап бор, бор-

ма", - дерди. Шунда қайнонам "Болам, ахир бир коллективда ишлаб, ҳамма катори пул қўшиб, қандай бормайдим, майли келин борсинлар", - дердилар. Ана шунақа давраларда О ака иложи борича мени ёнимга яқинроқ ўтирар, хушомад қилар, менга яхши гапириб, кулдиришга ҳаракат қиларди. Бошқалар эса бизга эътибор бераётганидан, мен шундай хижолат чекардимки...

Куз охирида қишнинг бошланиши эди шекилли, бир кун О ака мени кабинетига чақирди. Шунда у киши гапни узокдан бошлади. Мени ишимдан хурсандлиги (яқинда юқоридан келган тафтишчилар 15 кунлик текширувини тугатиб кетган эди. Менга тегишли ҳужжат-

ни ёқтирмақчи эмасман. Мани онам сиздай чиройли қилиб туғмаган, бўлишим шу", - деб кўпол муомала қилдилар. Эрим ёмон одам эмас асли, фақат кўп рашк қилиши, ўйламай бирдан кўпол, совуқ гапирини натижасида кўпинча тортишиб қолардик.

Қайсидир байрамдан бир икки кун олдин эрим билан ниманидир устида тортишиб қолдик. У киши бақириб гапирар, оғзидан боди кириб, шоди чиқарди. Мен у кишига "Секинроқ гапиринг, болани кўрқитасиз, ҳовлидагилар ҳам эшитишади", - деб тинчлантирмақчи бўлдим. У киши "Сен менга ақл ўргатма", - деб кутилмаганда юзимга бир шапалоқ туширди. Менинг ҳеч қандай гуно-

ДИЛ ИЗХОРИ

Магнитофонга Шерали Жўраевнинг кассетасини қўйиб мен ҳозир, - деб бошқа хонага кириб кетди. Зум ўтмай спортивкада чиқди, ёнимга келиб ўтириши билан гуп этиб ёқимли одекалоннинг хиди димоғимга урилди: У кишини биринчи марта бу кийимда кўрганлигим учунми, ёки ўзига ярашгани учунми, кўзимга жуда чиройли кўринди. О ака менга ва ўзига коньяк қуйди, мен ичмаслигимни айтсам ҳам, дўстлигимни учун, қолаверса сизларнинг байрамингиз учун деб мажбурлаб ичирди ва ўзи оғзимга шоколад бўлагидан солди. Кейинги қадахни кўп ноз солмай ичдим. О ака мени рақсга таклиф қилди. Мухридиннинг "Гўзалимсан" - қўшиғини қўйди. Қандай қилиб тушунтирсам сизга ўша ҳолатимни, О акани белимдан қучиб турган қўллари аъзойи баданимни ёндирар, ҳеч қачон ичмаганлигим учун бошим айланар, ўзимни қушдай енгил сезиб, осмонда сузар эдим гўё...

О ака мени даст кўтариб... Мен қаршилиқ қилдим, лекин фойдаси йўқ эди, юрагимни бир четидан ўзим ҳам шуни хоҳлагандек эдим. (Яширишдан не ҳожат)

Уйга вақтида келганим учунми, ёки мен ҳеч нарса-ни сездирмаганим учунми ҳеч ким ҳеч нарса демади, сезмади...

Фақат ўзим қийналиб, ичимни ердим, ювиндим, ич кийимимни йиртиб ҳожатхонага ташладим. Негадир оғир юк босар, эримга ҳам, қайнонам, овсинларимга ҳам олдингидек муомала қилар эдим. - Фақат фарзандим кўзига тик қарай олмасдим, у эса ҳеч нарса-ни тушунмас, ҳар доимгидек "аяжон" деб суйкаларди. Дам олиш кунлари тугаб ишга кетдим - оёғим тортмасди. "О акани кўзига қандай қарарканман", - деб ўйлардим. О ака гулгул очилиб мен билан қуюқ сўрашди. Котибамиз ҳомиладорлик таътилга чиқши керак эди, шунга оид ҳужжатларни ёзиб ўтирардим, ҳамкасбларимдан бири бошлиқ хонасидан қоғозига қўл қўйдириб чиқиб: "Садаф, сизни О ака кирсин", - даяпти, деди. Оёқ қўлимдан дармон кетаётгандек бўлди, юзларим қизарди. "Яна нима деркан? Э, Худо... Нималар қилиб қўйдим", - деб ўйлардим.

Хонага ҳаяжонланиб кирдим, О ака қўлимдан маҳкам ушлаб ўзига тортиди, мен у кишини итариб ўзимни орқага олдим.

"Ҳа, нима қилди жоним?", - деди. Мен, - "қўйинг, мен бир марта адашдим, қилган хатоимдан ўзим пушаймонман", - дедим. У киши эса "чиройли қоматли аёл билан ҳеч қачон бўлмагандим, мен бахтлиман, ҳатто сизни эрингиздан рашк қилиб, қизғонаяпман", - деди. Мен "бунақа гапларни қўйинг, уят, ҳалиям эрим билмади, агар билса ё ўлдиради ёки ажрашиб кетамиз", - деб айтдим.

(Давоми 8-бетда)



**ЧИРОЙИМ
БОШИМГА ЕТДИ**

лардан ҳеч қандай камчилик топишолмагани) тўғрисида гапирди. "Садаф, мен янгангизга чарм куртка олгандим, шундан сизга ҳам битта қўшиб олдим, кийиб кўрасизми?" - деди, мен у кишига бунга етарли пулим йўқлиги, ўзимни пальтом борлигини, ололмаслигимни айтдим. У киши кулиб "Соддасиз, ахир мен сизга уни совға қилмоқчиман-ку" - деди. Мен, "йўқ, ололмайман, турмуш ўртоғимга, оиладагиларга нима деб айтаман", - деб қатъий рад этдим. Уша кунни уйга келиб жуда кўп ўйладим. "Нима учун бундай қилаяпти. Мендан нима истайдим, ахир?!" - деб.

Уша кун эди, чамамада эрим ишдан кечроқ қайтди. Соқоллари ўсган, сочи тўзинган. Мен у кишига, - "Ахир ўзингизга қараб юрсангиз бўлмайдим, қаранг, ҳатто ўлгингиз ҳам ўлганингизда сесканаяпти", - дедим. У киши, "Мен ҳеч кимга ўзим-

ҳим йўқ эди. Эрталагача йиллаб чиқдим. Эртаси кун ишхонада байрам ўтириши мўлжалланган эди-пешинда.

Билдирмайман деб ҳар қанча ҳаракат қилсам ҳам, бақириб кўришимиз маъносиз шекилли, ёнимдагилар нега ҳеч нарса емаяспиз, ўйнамай-сиз ҳам деб суриштиришарди. Ҳеч қачон спиртли ичимлик ичмаган эдим, ўтириш сўнггида О ака менга "кетмай туринг, ўзим напирокчача элтиб қўяман", деб тайинлади.

Машинада кетаётганимизда, у киши "Садаф йўқ деманг, ҳозир мени квартирамга борамиз, кўрқманг ҳеч нарса қилмайман, фақат бир-икки нарсани гаплашиб олмоқчиман холос", - деб ялинди. Ҳалиям тушуниб етолмайман, нима сабабдан кўндим, бордим.

О акани уйи жуда шинам безатилган эди, залда стол устида ҳамма ноз-неъматлар, бутилкаси чиройли ичимликлар муҳайё эди. Мени қўлимдан ушлаб, стулга ўтказди.

ЧИРОЙИМ БОШИМГА ЕТДИ

(Бошланиши 7-бетда)

Апрел ойида бизнинг ташкилотга янги котиба қиз ишга келди. Ёшгина, нозиккина экан. Гулнорани (котиба) отаси ҳокимиятда яхши вазифада ишлар экан. Бой оиладан бўлиб жуда тилла тақинчоқларга ўч, эрқароқ қиз эди. Ҳар куни ҳар хил кийимни келар, бошлиқ чиқиб кетиши билан бизни хонага ўтар, қаерларгадир телефон қилиб соатлаб гаплашар эди. У мен билан жуда иноқлашиб қолди, менга "Садаф опа, фақат ўзингиз чиройли десам, характерингиз ҳам чиройли экан", - деб айтарди. Гап орасида О. акани келишган эркак эканлиги, уни "Гулечка" деб эрқалаша ҳақида тортинми сўзларди. О. ака билан мени орамизга эса совуқлик тушган эди. Чунки мен у киши билан салом-алиқдан нарига ўтмасдим. Бир-икки марта мени уйига таклиф этганди жеркиб бергандим.

Бир куни Гулнора менга "О. ака мени ўтиришга таклиф қилдилар, кечкурун борамиз", - деб қолди. Мен, "Синглим борман, ахир сиз қиз боласиз, кўрқмайсизми, отангизнинг обрўйи тўқилиши мумкин. Онангиз ҳам эшитсалар, хафа бўладилар" - дедим.

Эртаси куни бармоғида янги тилла узук пайдо бўлди. У мендан яширмай О. ака совға қилганини айтди. Мен жойимда қотиб қолдим! Чунки менга О. акадан 1 сўм ҳам ўтмаганди (Худога шукр!).

Шу кундан бошлаб Гулнора тез ўзгариб кетди, атрофдагилардан уялмай иш охирида бошлиқнинг машинасида миниб кетар, кабинетида узоқ қолиб кетар эди. Мен ҳатто бир куни тўсатдан кириб қолиб уни О. ака билан ўпишаётганини кўриб қолдим, қизингиз такдирига ачиндим.

Бир-икки кун ўтиб унга - "Бирга овқатланайлик", - дедим. Гулнора дарров рози бўлди. Мени мақсадим уни бу йўлдан қайтариш, О. акани пулига, мансабига учмаслик ва шунга ўхшаган (насиҳат) маслаҳатлар билан уни тўғри йўлга бошламоқчи бўлдим. Лекин, афсус! Эртаси куни Гулнора менга қовоғини уйиб, "сизни бошлиқ чақираяпти", - деди. Кирсам О. ака қовоғидан қор ёғиб қотиб олди. - "Нега сиз Гуляга гап ўргатасиз, сизни нима ишингиз бор, ёки бир умр сизнинг нози-фиригингизга термулиб юришим кел-

раки?" - деб қичқирди. Кўзимда ёш билан чиқиб кетдим. Энг даҳшатлиси қабулхонадан ўтаётганимда Гулнора менга (уят бўлсаям) ".....дан куй-япсизми?" - деди.

Столимга қай ҳолатда ўтирдим, қоғоз олиб кетишим тўғрисида қандай ариза ёздим, қандай киргизиб юбордим - билмайман. Ҳеч нарсани фикрлай олмай қолдим. Фақат Гулнора аризамни қайтариб олиб чиққанида ва ёнимга истеҳзоли кулиб қўйиб кетганда - кўзим олди тиниклашиб, хаёлим жойига келди. "Қарши эмасман!" - Ҳа, ана шундай виза қўйилгани, ариза тепасида. Ҳамма ҳайрон. Шерикларим, "Садаф нега бирдан кетяпсиз", - дейишарди. Мен эса ўзимга тегишли нарсаларни сумкамга солиб, билмадим ўша вақтдаги ҳолатимни тушунтира ололманми?

Томоғим йўлида бир қаттиқ нарса тикилиб, қайт қилгим келди, тезроқ ташқарига, тоза ҳавога чиққим келди.

... Анча вақт қўйналиб юрдим, таниш-билишлар, уйдагилар: - "Нега ишдан бўшадингиз?" - деб сўрасалар, "йўли узоқ, кейин ойликни вақтида бермайди, иши қийин", - каби ёлғон сўзларни айттардим. Кўчада О. ака билан учрашиб қолсам, четга қараб кўрмасликка олиб кетардим. Лекин юрагим гупиллаб урарди. Кечалари йиғлаб чиқардим. Эрим сезиб қолгудек бўлса, бирор жойим оғрияпти деб баҳона қилардим. Эҳ-ҳе, ўша вақтдаги азобларим...

Якшанба кунларининг бирида бозорга бордим. Айланиб юриб кўзим Гулнорага тушди. Унинг ёнида иккита бегона аёл бор эди. Улар Гулнорага дўппи кийдириб кўришарди. Гулнора орамиздан ҳеч нарса ўтмагандек ман билан кўришиб бир ҳафтадан кейин бўладиган тўйига таклиф этди. "Хўп", - деб қўя қолдим. Лекин тўйга бормадим.

Орадан бир ойлар чамаси ўтиб касалхонага овсинимни кўришга бордим, ўша мен ишлаб кетган ишхонадаги фаррош ҳола шу ерда ётган экан. Ҳолаҳвол сўрашиб "Садафжон, эшитдингизми? Гулнора "Фалончи"нинг ўглига тегувди. Тўйдан икки кун ўтгандан кейин келини қайтариб келиб ташлаб кетишди. Шунақанги ҳақорат қилишиб катта жанжал қилишдики (улар қўшни эди). Гулноранинг онаси касалхонага тушибди, отаси ишга чиқмай қўйганмиш" ... Ва ҳоказо гапларни айтди. Бу гапларни эшитиб ҳайрон бўлмадим, негаки бир кунмас бир кун шунақа гаплар чиқишига ишонардим. Чунки бир ҳафта олдин хўжайиним О. ака-

нинг жиянларининг ҳовлисида ишлаган эдилар. Ўшанда ўша одам амакиси (О. ака) ҳақида кўп ёмон гаплар айтибди. Яъни, унинг аёлларга ўчилиги, уларни қўйлақдек алмаштириб туриши, чиройли, ёш аёллар билан тез-тез бўлиб туриши ва ўзининг икки хотини бўлиб, эрини рашк қилиб бу икки аёл бир-бирини кўчада, маърака-мавридда ҳақоратлаши ва ҳатто соч юлиб, юз тирнашларгача боришганлиги тўғрисида гапириб берибди.

Бу гапларни эрим менга нима мақсадда айтганини билмайман. Чунки у кишини ҳеч гапдан хабари йўқ, агар бирор гапни сезса эди аллақачонлар бурдалаб ташларди...

Ҳозир икки ўт орасида қолганман. Хўжайиним бирор танишини ёки жўрасини хотини ёмон йўлга юриши тўғрисида гапириб "қандай аҳмоқ аёллар бор, эри, оиласи, боласи бўла туриб бегона эркак билан юради, шунақа аёлларни ундай қилиш керак, бундай қилиш керак", - деса, худди мени синаб, билиб айтаётгандек туюлади. Виждоним қийналади. Гоҳида ҳамма гапни эримга айтиб, кўнглимни бўшатгим келади-ю, кўрқаман. Ажрашиб кетсам, фарзандимиз нима бўлади? Ўзим-чи? Ота-онам, эл-хешларни юзига қандай қарайман, деб... Нима маслаҳат берасизлар, ёпиқлик қозон ёпиқлигича қолсинми, ёки барча азоблардан қутулиб, енгил бўлайми?

Буни ўқиган барча кишилар мендан нафратланиб, мени ёмонлаб уялтириб, салбий муносабат билдиришади.

Мен ҳеч қачон ўзимни кечирмоқчи эмасман. Ҳаммасига ўзим айбдорман. Ширин сўзларга, хушомадларга учиб, чиройимдан кирландим...

Сингилжонлар, сизларни ҳеч қачон Гулноранинг кўнига тушиб қолишингизни истамайман. Тўғри мен адашдим, адашсам ҳам кўра била ёмон адашдим. Ўлгунимча юрагимда доғ бўлиб қолса керак.

Ҳали ёмон йўлга кириб улгурмаган дугонажонлар, эҳтиёт бўлинг, ўзингизни тергаб туриг, пок оилангиз остонасини нопок қилманг. Илтимос Сизлардан, ширин сўзларга учманг. Давраларда, тўйларда, таниш-билиш олдига ёмон аёллардан гап очилганда, виждонингиз қийналиб, одамлар кўзига тик қараб, юрагингизга гулгула тушмай яшаб юришдан ортиқ бахт йўқ деб уйлайман!

САДАФ.

"БУ КИШИ АЁЛЛАРДАН КЎРҚАР ЭКАН"

(Актриса Раънохоннинг сўзига ҳазил жавоб)

Ҳа, аёл зотидан жуда кўрқаман. Кўрқаман уларнинг жоду кўзидан. Ҳа, мен қизлардан ҳам асли кўрқаман, Кўрқаман уларнинг оху кўзидан.

Бир вақти бир қизнинг оғзидан болин Шимиб сўрганлигим тушади ёдга. Бир вақт бир аёл лабидан холин Очиқиб ўпганим қўяр уятга.

Қизлар вужудининг титроқ холини Ўз юрак қонимда сезиб тураман. Сўниб бораётган аёл қонини, Бугун кун жонимда аниқ кўраман.

Сир эмас, қизларга сирли қарайман, Кўрқаман то ҳамон аёл зотидан. На аёл, на қизга сирим бермайман, Аслида кўрқаман уйда хотиндан.



ВИСОЛИНГНИ СОГИНДИМ

Хаёлларим қочди тонгдан, висолингни соғиндим, Сени излаб кечай жондан, висолингни соғиндим. Малаксиймо вужудингни, вужудим излар нетай, Висол излар юрак қондан, висолингни соғиндим,

Боғларда бош суқиб тонгдан, ифорингни изладим, Эрта тонгдан кечиб жондан, шикорингни изладим, Шитобинг қайдадир жонан, тасаддуқ жондан кечай, Тасаддуқ кечдим иймондан, висолингни соғиндим.

Лолалар қон қизил қондан, мақсади олий қани, Сар-басар кечдим жаҳондан, мақсади оний қани, Голибо, кечдим бу шондан, мақсадима бир етай, Ҳажр захридир илондан, висолингни соғиндим.

Майпарастман майхонадан, изладим оҳим сени, Ўқ тегиб бу чиқмаган жон, беватан оҳум қани, Сайд агар йиқди қарорим, сайёб сенга илтижо, Илтижоллига бўл меҳмон, висолингни соғиндим.

АЁЛ ЗОТИ

Ҳаммани аслида боланг дейдилар, Эй сен аёл зоти, табарруқ инсон. Буюк саркардаю, ҳатто дайдилар, Сенинг меҳринг билан яшайди мудом.

Балки табиатга онадирсан сен, Балким сенга она она табиат. Онасиз табиат бўларди сарсон, Сен унга нур бўлиб бердинг муҳаббат.

Сен йўлга чиққанда айна камалак, Ҳар бир қадамингни ўпар бу замин. Осмонда ой турар илоҳий малак, Сенга умид билан босар қадамин.

Назаринг тушмаса очилмайди гул, Ғунча тарс ёрилиб кетмас қувониб. Аслида соқовдир сайроқи булбул, Алла айтолмайди сенчалик ёниб.

Сен она, ҳаммамиз фарзандимиз доим, Она табиатга сен ўзинг устоз. Сен бахтсиз экансан қиёмат қойим, Жаҳон куйиб кетар гўё бир қоғоз

Маҳмуд ЙЎЛДОШЕВ

Оила ва жамият

Мақолада келтирилган фактлар, воқеалар, маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.

Муаллиф фикри таҳририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Кўл ёзмалар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтирилмайди.

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Телефонлар:
Бош муҳаррир — 133-28-20
Котибият — 34-86-81
Эълонлар бўлими — 136-56-52

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент - 700000
Амир Темур кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Манзил: Тошкент, Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 20.35
Босишга топширилди - 21.15

ХОМИЙ

«Матбуот тарқатувчи» акциядорлик жамияти

ОБУНА ИНДЕКСИ - {якка обуначилар учун 176
ташкilotлар учун 177

Рўйхатга олиш № 33
Буюртма Г-0558
31.794 нусхада чоп этилди.
Формати А-3, ҳажми 2 босма тобқ.
Баҳоси эркин нарҳда.
Расмом — Н.ХОЛМУРОДОВ.
Навбатчи — Ф. Тохирова